

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

А. А. ОТАЖОНОВ, О. А. ЖЎРАБОЕВ,
С. Б. ХЎЖАҚУЛОВ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА
МУРОЖААТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ҚАЙД
ЭТИШ, ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА ТАҲЛИЛ
ҚИЛИШ

ЎҚУВ УЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2018

Тақризчилар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жисмоний, юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармаси бошлиғи **Д.Х. Иноятов;**

юридик фанлар номзоди, доцент **Ж. С. Мухторов**

Отажонов А. А.

О-86 **Ички ишлар органларида муурожаатларни қабул қилиш, қайд этиш, ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш: Ўқув услубий қўлланма / А. А. Отажонов, О. А. Жўрабоев, С. Б. Хўжақулов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 109 б.**

Ушбу услубий қўлланмада «муурожаатлар»нинг тушунчаси, турлари ва шакллари, оғзаки, ёзма ва электрон кўринишда келиб тушган ариза, шикоят ва таклифларни қабул қилиш, рўйхатга олиш тартиби ва кўриб чиқиш муддатлари, шунингдек муурожаат қилувчини шахсан қабул қилиш тартиби ва шартлари, муурожаатларнинг ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиб бориш ҳамда ушбу фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача мазмуни ёритилган.

Услубий қўлланма юридик олий таълим муассасаларининг курсант, тингловчи, талабалари, докторант ва мустақил изланувчилари, шунингдек амалиёт ходимларига мўлжалланган.

ББК67.99(5У)116.3я73

КИРИШ

Демократик давлат ва фуқаролик жамияти инсон манфаатларининг улуғланиши, ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилиниши ва давлат томонидан кафолатланишини тақозо этади. Давлат органлари ва хизматчилари томонидан мурожаатларнинг ўз вақтида, ҳар томонлама, тўлиқ кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши юзасидан адолатли қарор қабул қилиниши ушбу ҳимоя ва кафолатнинг, демократик принцип ва анъаналар амал қилишининг ёрқин намунасидир.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида мурожаатлар билан ишлаш соҳасида кенг доирада ислоҳотлар амалга оширилди, мурожаатларни кўриб чиқишга оид ҳуқуқий механизм босқичма-босқич такомиллаштирилди. Мазкур босқичларни шартли равишда қуйидагича ифодалаш мумкин:

Биринчи босқич (1992–2002 йиллар). Энг аввало, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг мурожаатлар билан ишлаши борасида қатъий ва устувор қоидалар белгилаб берилди ва уларга асосан 1994 йил 6 майда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниб, ижтимоий ҳаётга татбиқ этилди. Мазкур қонунда мурожаатларга қўйиладиган талаблар, таклиф, ариза, шикоятларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари белгиланди.

Иккинчи босқич (2002–2014 йиллар). Мамлакатимизда олиб борилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунига асосан янги таҳрирда тасдиқланди ва унда фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда ихтиёрийлик, камситишга йўл қўйилмаслик, мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг мажбурийлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Фуқароларни қабул қилишга қўйилган талаблар ҳамда фуқаролар томонидан ариза, таклиф ва шикоятлар бериш ҳамда уларни кўриб чиқиш тартиблари янада такомиллаштирилди, шунингдек мурожаатларни кўриб чиқишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва давлат органларининг мажбуриятлари белгиланди. Шунингдек, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб

чиқиш ваколатига эга бўлган давлат органлари ва муассасалари янги таҳрирдаги мазкур қонун нормалари асосида ўз ички норматив-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқди. Айниқса, ички ишлар органлари тизимида мурожаатлар билан ишлашда мурожаатларни кўриб чиқишга умумий ва махсус тарзда ёндашув тартиби жорий этилди. Хусусан, мурожаатларни кўриб чиқишга умумий ёндашув асосида фуқаролар мурожаатларининг тегишли қонунлар ва қонуности норматив ҳужжатлари талабларига асосан ва махсус ёндашув асосида фуқаролик, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва жиноий ишлар тегишли қонунчиликда белгиланган тартиб-қоидаларга асосан кўриб чиқилди.

Мазкур индивидуалликка асосланиб, 2003 йил 7 февралда Ички ишлар вазирининг (бундан буён матнда ИИВ деб юритилади) «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги идоралари, ўқув юртлари, ички ва қоровул қўшинлари, муассасалари, ташкилотларида фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг таклифлари, аризалари ҳамда шикоятларини кўриб чиқиш тартиби ҳақидаги Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи қабул қилинди.

Ички ишлар органлари томонидан ариза ва хабарларни қабул қилиш, расмийлаштириш ва қайд этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ҳамда ИИВнинг 1993 йил 5 январдаги «Ички ишлар идораларида ва муассасаларида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш ва ҳал этиш тартибини белгиловчи Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 6-сонли буйруғи, шунингдек мазкур буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ИИВнинг 1996 йил 17 июлдаги 177-сонли буйруғи талаблари асосида амалга оширилди.

Учинчи босқич (2014–2016 йиллар). Фан-техниканинг ривожланиши, мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиши ҳамда тадбиркорлик фаолияти имкониятларининг тобора кенгайиши мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишни янги бир босқичга кўтариш заруратини юзага келтирди. Чунки энди мурожаат қилувчи нафақат фуқаро ва ҳаттоки, жисмоний шахс, балки юридик шахс ҳам бўлиши мумкинлиги эътироф этилди. Натижада 2014 йил 3 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Унда қонуннинг амал қилиш ва кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик процессуал қонун ҳужжатлари ва

бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга ҳамда давлат органларининг, шунингдек улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, қонунда Ўзбекистон Республикаси давлат органларига мурожаатлар жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан берилиши белгилаб қўйилди. Мазкур қонунда мурожаат этиш шакли оғзаки ва ёзма бўлиши билан бирга, электрон шаклда ҳам бўлиши мумкинлиги ҳамда электрон мурожаатларга қўйиладиган талаблар ва улар билан ишлаш тартиби ўз ифодасини топди.

Айнан шу талаблар асосида 2015 йил 5 май куни ИИВнинг «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 72-сонли буйруғи қабул қилинди.

Тўртинчи босқич (2016 йил ва ундан кейинги давр). Ўзбекистон Республикасида 2016 йил 24 сентябрдан бошлаб Бош вазирнинг (ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти) виртуал қабулхонаси ўз иш фаолиятини бошлади. Бу эса қайд этилган мурожаатларнинг тегишлилиги ва мазмуни бўйича таҳлил қилиш ва натижалари бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш юзасидан мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириб, юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолиятининг долзарблигини янада кучайтирди. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президенти (2016 йил 23 декабрга қадар Бош вазир) виртуал қабулхонасининг амалиётга татбиқ этилиши оқибатида барча соҳалар, хусусан ички ишлар органлари ваколатига кирадиган (ушбу тизимда ҳал этилиши лозим бўлган) масалалар бўйича кўплаб фуқаролар ёрдам сўраб виртуал қабулхонага мурожаат этишларига қулай имконият яратилди.

Айни пайтда мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга доир олиб борилган ислохотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрь куни «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4904-сон фармони қабул қилинди. Мазкур фармон асосида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси ва виртуал қабулхонаси тузилиб, уларнинг асосий вазифалари белгиланди.

Ҳозирда ушбу тизим орқали халқнинг фикрини, муаммоларини эшитиш, уларнинг ечимларини топиш ва ҳал қилиш, мутасадди

вазирлик ва идоралар раҳбарларининг мурожаатларни ҳал этишдаги сансалорликларини кескин чеклаш, уларнинг масъулиятини янада ошириш ҳамда таъсирчан чоралар белгилаш ишлари давом этмоқда. Бинобарин, виртуал қабулхонанинг фаолияти аҳолининг ҳар бир мурожаатини зудлик билан ва тўлиқ ҳал этиш, муаллифларнинг бузилган ҳуқуқларини амалда тиклаш ва давлат идораларида мавжуд қонун бузилишларига қатъий муносабат билдиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Негаки мурожаатлар давлат идораларининг ўз ваколатларини қай даражада рўёбга чиқараётганлигини, тизимда амалга оширилаётган ишларнинг аҳволини, одамлар ҳаётидаги муаммоларни ва аҳолининг ижтимоий фикрини кўрсатувчи воситадир. Хусусан, бу борада Президентимиз Ш.М. Мирзиёев 2017 йил 22 декабрь куни мамлакат парламенти – Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, «Қисқа муддатда ана шу қабулхоналарга бир ярим миллиондан зиёд фуқаро мурожаат қилгани ва қанча-қанча одамнинг йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолари ижобий ечилгани Ўзбекистонда халқ ҳокимияти номига эмас, амалда жорий этилаётганини кўрсатмоқда. Жойларда раҳбарларнинг йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезлик билан бартараф этиш юзасидан шахсий жавобгарлиги кучайгани мазкур тизимнинг муҳим натижаси бўлди»¹, деб таъкидлаганликлари мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини кўрсатади.

Юқоридагилар билан бирга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида 2017 йил 11 сентябрь куни «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Мазкур қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи, мурожаатнинг шакллари, турлари, мурожаатларга қўйиладиган талаблар, уни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари, мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органларининг мажбуриятлари билан халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Айни пайтда ички ишлар органларининг мурожаатлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш борасида тизимда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2017 йил 29 апрель куни ИИВнинг «Ички ишлар органларида жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 70-сонли буйруғи қабул қилинди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 22 дек.

Ушбу буйруқ билан Ички ишлар вазирлигининг «Жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармаси тўғрисида»ги ҳамда «Мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш маркази тўғрисида»ги низомлари тасдиқланди.

Шунингдек, 2017 йил 14 ноябрь куни ИИВнинг «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 252-сонли буйруғи қабул қилинди. Ушбу буйруқ билан «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида»ги низом тасдиқланди ҳамда ИИВнинг 2015 йил 5 майдаги «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 72-сонли, 2016 йил 2 февралдаги «2016–2017 йиллар давомида ички ишлар органларининг мурожаатлар билан ишлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 22-сонли ҳамда 2017 йил 16 январдаги «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш амалиётини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 13-сонли буйруқлари ўз кучини йўқотган.

1-§. «МУРОЖААТЛАР» ТУШУНЧАСИ, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

Сўнги йилларда мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш йўналишида изчил ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада ҳар қандай мурожаатларни қонун талаблари ва асосларига, унда белгиланган тартиб-қоидаларга кўра кўриб чиқилишини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мазкур масала юзасидан Конституциямизнинг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», деб эътироф этилганлиги, қолаверса, «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилишга ҳақли. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт»лиги (35-модда) ҳамда «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш кафолатланганлиги» (44-модда) сингари қоидаларнинг белгилаб қўйилганлиги фикримизнинг бевосита тасдиғидир.

Мурожаатларни кўриб чиқиш соҳасида дастлабки йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг секин-аста замон талабларидан ортда қолиши, шунингдек фан-техниканинг ривожланиши, мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиши ҳамда тадбиркорлик фаолияти имкониятларининг тобора кенгайиши мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишни янги босқичга кўтариш заруратини кун тартибига қўйди. Натижада 2017 йил 11 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Мазкур қонунда халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан энг кўп ишлайдиган соҳалардан бири бу ички ишлар органлари ҳисобланади. Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва қайд этиш белгиланган тартиб-қоидаларга асосан амалга оширилади.

Мазкур тартиб-қоидаларнинг мазмунини англаш, уларни амалиётга тўғри татбиқ этиш учун мурожаатларни тур ва шаклларга бўлиш, қолаверса, таснифлаш катта аҳамият касб этади. Бинобарин, таснифлаш белгиланган объектнинг ўзига хос хусусиятлари ёки маълум бир мезонлар асосида амалга оширилиб, объектни, шунингдек унинг таркибидаги элементларни кенгроқ ва имкон қадар батафсилроқ ўрганиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунига кўра, жисмоний ва юридик шахслар томонидан қилинадиган мурожаатларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- ариза;
- шикоят;
- таклиф.

Ариза – ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаатдир.

«Ариза» шаклан процессуал ҳужжат мақомига эга бўлиб, мазмунан бир-биридан фарқланувчи турларга эга. Уларнинг *бири* бузилган ҳуқуқни тиклашда, *иккинчиси*, мавжуд ҳуқуқдан фойдаланишда, *учинчиси*, ҳуқуқ ва эркинликлар ҳимоясини амалга оширишда ва яна *бошқа бири* эса қонуний манфаатларнинг таъминланишида ёрдам сўраб қилинган мурожаатлар бўлиши мумкин.

Одатда, ариза бузилган ҳуқуқни тиклаш учун ёрдам сўралганда «арз» мазмунида, мавжуд ҳуқуқдан фойдаланиш, ҳуқуқ ва эркинликлар ҳимоясини амалга ошириш ва қонуний манфаатлар таъминланишида ёрдам сўраб қилинганда эса «илтимос» мазмунида намоён бўлади.

Шикоят – бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат.

Мурожаатнинг бу тури бевосита давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ҳаракатлари, қарорлари устидан норозилик муносабатини ўзида ифода этади. Этимологик мазмунига кўра, «шикоят» – арз қилиш, норозилик, айблаш, нолиш маъноларини англатади¹.

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. Ш. Н–Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. ЎзР. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 569.

Жисмоний ва юридик шахс давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига шикоят ёрдамида ўз ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш ёки бузилган ҳуқуқларини тиклашга интилади. Шикоят билан мурожаат қиладиган шахс, шунингдек аниқ бўлмаган шахслар доираси ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш кўриши мумкин. Шикоят бериш ҳуқуқи ажралмас ҳуқуқдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш учун кимнингдир розилиги ва айниқса бошқарув ҳужжатларини чиқариш талаб қилинмайди. Шикоят жисмоний ёки юридик шахсларнинг қонунчиликда ва жисмоний ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тартибга соладиган бошқа нормаларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган, яъни улар билан давлат органлари ўртасидаги муносабатлар ижобий хусусият доирасидан ташқарига чиққан ҳуқуқий муносабатлар соҳасида пайдо бўлади. **Шикоятни беришдан мақсад ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва тиклаш ҳисобланади.** Шикоятга қонунчиликка риоя қилинишининг кафолати сифатида қаралиши керак, чунки у «қуйидан» танқид кўринишларидан биридир.

Шикоят ҳам давлат органлари ёки бошқа тузилмаларнинг, мансабдор шахсларнинг, хизматчиларнинг ҳаракатлари ёки ҳужжатлари билан бузилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш воситаси, ҳам бу ҳуқуқларни амалга ошириш воситаси ҳисобланади. Жисмоний ёки юридик шахс шикоят билан мурожаат қилар экан, давлат томонидан ўзларига берилган ҳуқуқларни амалга оширадилар ёки бузилган ҳуқуқлари тикланишини талаб қиладилар. Бироқ шикоят билан мурожаат қилиш фақат муҳофаза функциясини амалга ошириш билан чегараланмайди. Шикоятнинг ижтимоий-ҳуқуқий моҳиятини тадқиқ этиш у қуйидаги икки яхлит аҳамиятга эга эканлигига асос бўлади:

биринчидан, у жисмоний ёки юридик шахснинг давлат органларининг ҳаракати ёки ҳаракат қилмаслиги оқибатида бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида намоён бўлади;

иккинчидан, у ушбу органлар ишидаги камчиликлардан хабардор қилиб, бу камчиликларни бартараф этишга, давлат аппарати фаолиятини яхшилашга, қонунчиликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Жисмоний ёки юридик шахс шикоят билан мурожаат қилар экан, турли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини улар учун ўрнатилган мажбурий қоидаларга мутаносиблигини баҳо-

лайди ва камчиликларни бартараф этишни талаб қилади. **Демак, шикоят қилиш ҳуқуқи жамоат назоратининг муҳим воситасидир.** Шу маънода шикоят берган шахс шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланиб, у ёки бу воқеликка ўз муносабатини билдиради. Мазкур мурожаатларда мавжуд бўлган ушбу маълумотлар ижтимоий манфаатларни аниқлашнинг муҳим манбаси сифатида қабул қилиниши керак. Шикоят билан ариза ўртасидаги фарқни аниқлашда аризанинг предмети қандайдир субъектив ҳуқуқ ва манфаатлар бузилишига арз қилиш эмас, балки, биринчидан, тегишли органлар орқали жисмоний ёки юридик шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш, иккинчидан, турли камчиликлар ва суиистеъмолликлар ҳақида маълум қилиб, жамият ва давлат ишларида иштирок этиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳисобланади¹.

Мурожаатнинг ушбу тури бўйича қандай процессуал ҳужжат расмийлаштирилишига оид аниқ талаб мавжуд эмас. Бироқ ўзбек тилининг изоҳли луғатида «шикоятнома» процессуал ҳужжат тариқасида эътироф этилган. Шу боис шикоятларнинг шикоятнома орқали ифодаланиши мақсадга мувофиқ саналади.

Таклиф – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат. Мурожаатнинг «таклиф» кўринишидаги тури бошқалардан ўзининг ижобий мазмунга эгаллиги, шунингдек ижтимоий ҳаётда жуда кам учраши билан фарқланиб туради. Аввало, таклиф давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат сифатида эътироф этилади. Айни пайтда таклиф, тавсия ёки тавсиялар мажмуидан иборат бўлади.

Шу ўринда «таклиф» ва «тавсия» сўзларига этимологик жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, ўзбек тилининг изоҳли луғатида «таклиф» «муҳокама қилиш, амалга ошириш ёки қабул қилиш учун тақдим этилган фикр, масала, маслаҳат ва шу кабиларни» ўзида ифодалайди. «Тавсия» эса, «маслаҳат, кўрсатма» ҳамда «фойдаланиш, амалга ошириш учун белгиланган кўрсатма, йўл-йўриқ»² маъноларини англатади.

¹ Асьянов Ш.М. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунига шарҳ – Комментарий к Закону Республики Узбекистан «Об обращениях физических и юридических лиц». Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т., 2015. – Б. 35–38.

² Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. Ш. Н–Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. ЎзР. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 645.

Таклиф Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддаси 1-бандида мустақамлаб қўйилган фуқароларнинг жамият ва давлат ишларида ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишнинг энг муҳим шаклларида бири ҳисобланади.

Моҳият жиҳатидан таклиф фуқаронинг қонунчиликни такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини мақбуллаштириш, жамиятда демократик янгиланишларни амалга оширишга йўналтирилган ғоялари баён этилган мурожаатдир. Унда давлат органлари фаолиятини ташкил этиш, ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, ҳам маҳаллий, ҳам республика аҳамиятига молик ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган аниқ чоралар кўрсатилган бўлиши мумкин.

Фуқаро таклиф киритар экан, шахсий мақсадларини кўзламайди, ўз ҳуқуқлари бузилишини ҳимоя қилишга интирмайди, балки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қарорлар қабул қилинишига таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади, яъни фуқаронинг энг асосий ҳуқуқларидан бири – давлат ва жамоат ишларида бевосита иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширади.

Ички ишлар органларига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушадиган мурожаатлар, мазмуни ва кўриб чиқиш тартибига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1) кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунида белгиланган (умумий тарздаги) мурожаатлар;

2) кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатлар.

Процессуал қонунчилик ва бошқа қонунчилик нормаларида мурожаатларни кўриб чиқишга оид алоҳида тартиб назарда тутилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 241-моддасининг биринчи қисми ва 329-моддасининг биринчи қисми, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси 82-моддасининг иккинчи қисми, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 90-моддасининг иккинчи қисми, 197-моддасининг иккинчи қисми ва 264-моддасининг биринчи қисми.

Келтирилган мурожаатлар мазмунига кўра нафақат кўриб чиқиш, балки уларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш учун юбориш тартиби билан бир-биридан фарқ қилади. Айти пайтда ушбу мурожаатлар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги мурожаатлар;
- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар;
- ҳуқуқбузарлик аломатига эга бўлмаган ижтимоий муносабатлар ҳамда маиший турмуш соҳаси билан боғлиқ мурожаатлар;
- бузилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни тиклаш юзасидан қилинадиган мурожаатлар;
- давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаатлар;
- ички ишлар органларидан давлат хизмати кўрсатилишини талаб этувчи (электрон) сўров (муурожаат)лар.

Ушбу гуруҳда кўрсатилган мурожаатлардан **жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги мурожаатлар** ариза ва бошқа хабарлар шаклида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бир қатор буйруқларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади (масалан, ИИВнинг 2016 йил 12 ноябрдаги «Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 180-сонли, 2017 йил 12 июндаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 100-сонли, 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сонли, 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 191-сонли, 2017 йил 14 ноябрдаги «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 252-сонли буйруқлари).

Жиноят ҳақидаги ариза – фуқароларнинг жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган ёзма шаклдаги мурожаати (арзи).

Жиноят ҳақидаги хабар – процессуал ҳужжатларни расмийлаштирадиган, балки корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар ҳамда оммавий ахборот восита-

лари томонидан жиноят ва ҳодисалар ҳақида телефон ва телеграф орқали берилган, шунингдек сигнал берадиган кўриқлаш мосламаларининг ишлаб кетиши натижасида ва бошқа сигналлар орқали келиб тушган ҳамда аноним хабарлар.

Жиноят ҳақидаги имзосиз, қалбаки имзоли ёки номаълум шахс номидан ёзма равишда билдирилган арз, гарчи шакл бўйича ариза тариқасида эътироф этилса-да, имзосиз, қалбаки имзоли ёки номаълум шахс номидан ёзилиб, **аноним** хусусиятга эга бўлганлиги боис ариза деб тан олинмайди.

Жиноят ҳақидаги бошқа маълумот – бу суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки терговга қадар текширувчи амалга оширувчи органнинг бевосита ўзи томонидан аниқланган жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва излар (ЖПК 322-м. 4-б.).

Жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар, моҳиятига кўра, икки гуруҳга бўлинади:

– жиноят тўғрисида ички ишлар органлари, жазони ижро этиш муассасаларига келиб тушган ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ жиноят иши кўзғатилишига асос бўладиган ариза ва хабарлар;

– жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги бошқа хабарлар.

Жиноят иши кўзғатилишига асос бўладиган ариза ва хабарларга қуйидагилар киради:

– қонун асосида баённома орқали ҳужжатлаштирилган ва аризачи томонидан имзоланган оғзаки аризалар;

– Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда ёзилган фуқароларнинг ариза ва хабарлари;

– фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги бўйича ариза ва хабарлар;

– маҳалла посбонлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг ёзма хабарлари;

– корхона, ташкилот ва муассасалар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг ёзма хабарлари;

– жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда ёзилган ва расмийлаштирилган фуқароларнинг чин кўнгилдан пушаймонлик тўғрисидаги аризалари;

– фуқароларнинг жиноят содир этганлигини билдириб, айбини бўйнига олганлиги ҳақидаги арзлари;

– жиноят содир этилганлигини тўғридан-тўғри кўрсатмаса-да, бироқ жиноят аломатлари мавжудлигини текшириб чиқишни талаб этадиган хабарлар.

Жиноят ҳақидаги бошқа хабарларга қўшимча текширув олиб боришни талаб этадиган хабарлар киради. Буларга телефон, телефакс, телеграф, телерадио орқали тушган хабарлар, матбуотда чоп этилган хат, мақола, хабарлар, давлат суғурта компанияларининг қонун бузилиши бўйича мурожаатлари, жиноятчиликка қарши курашга қаратилган барча хабарлар, эпизоотия, фавқулодда ҳолат, оммавий тартибсизликлар, бахтсиз ҳодисалар ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг жиноят ҳақидаги билдиргилари киради.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги мурожаатлар шаклан жиноят ҳақидаги ариза ва бошқа хабарлар кўринишида бўлади. Бироқ мазмунан улардан фарқ қилиб, фуқароларнинг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган ёзма шаклдаги мурожаати (арзи ёки хабари) саналади.

Ҳуқуқбузарлик аломатига эга бўлмаган ижтимоий муносабатлар ҳамда маиший турмуш соҳаси билан боғлиқ мурожаатлар. Ушбу мурожаатлар алоҳида қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларга асосан кўриб чиқилади. Мазкур мурожаатлар уни кўриб чиқиш ваколати эга бўлган давлат органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ўзининг мақоми, хизмат кўрсатиш йўналишлари, функция ва вазифаларидан келиб чиқиб қабул қилинади ва кўриб чиқилади.

Бу каби мурожаатлар ички ишлар органлари томонидан ҳам кўриб чиқилади. Уларга фуқаролик паспортини олиш, уни алмаштириш, доимий ёки вақтинчалик рўйхатга қўйиш, автотранспорт воситаларига давлат рақами олиш каби масалалар юзасидан қилинган мурожаатларни мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин.

Бузилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни тиклаш юзасидан қилинадиган мурожаатлар. Мазкур мурожаатлар моҳиятан ҳуқуқбузарликка ўхшаса-да, аммо таркибида ҳуқуқбузарлик аломати бўлмаган, бироқ интизомий ва бошқа тарздаги жавобгарликни келтириб чиқарадиган қилмишлар содир этилганида аҳоли томонидан ушбу хатти-ҳаракатларга нисбатан норозилик муносабатини билдириб қилинган мурожаатлар кўринишида бўлади. Уларга шифокорларнинг сифатсиз хизмати, давлат хизматчиларининг қўпол муносабати, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг кўп квартирали уйлар атрофини ободонлаштириш ёки подъездларни таъмирлашга нисбатан совуққон муносабати юзасидан раҳбариятга, юқори турувчи

ёки назорат қилувчи органга аҳоли томонидан қилинган мурожаатларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаатлар. Ушбу тоифадаги мурожаатлар давлат органлари, муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини самарали ташкил этишга, мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этишга йўналтирилади.

Ички ишлар органларидан давлат хизмати кўрсатилишини талаб этувчи (электрон) сўров (мурожаат)лар. Давлат органлари, муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, ички ишлар органларидан давлат хизмати кўрсатилишини талаб этувчи (электрон) сўров (мурожаат)лар ҳам мавжуд бўлиб, бу борада ички ишлар органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг (электрон) сўровига кўра муайян вазифаларни бажариш йўли билан хизмат кўрсатадилар.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- оғзаки шаклда;
- ёзма шаклда;
- электрон шаклда.

Оғзаки шаклдаги мурожаатлар, одатда, шахс томонидан юзмаюз ёки телефон орқали қилиниб, мурожаатнинг мазмуни ички ишлар органларида юритиладиган махсус китобларда (масалан, Ички ишлар органларининг Навбатчилик қисмларида юритиладиган 1-шакл китоби ва 2-шакл журналида) ёки оғзаки мурожаатни қабул қилиш баённомаси каби ҳужжатларда қайд этилади.

Ёзма шаклдаги мурожаатлар аризаларда ўз ифодасини топади. Маълумки, қонунда бир-бирига ўхшаш бўлган «арз», «ариза», «оғзаки ариза баённомаси» каби атамалар учрайди. Шу ўринда ойдинлик киритадиган бўлсак, «арз» фуқаро мурожаатининг мазмунини акс эттирса, «ариза» эса мазкур мурожаат қайд этилган процессуал ҳужжатни ифодалайди.

Мурожаатларнинг моҳиятини тушуниб етиш, уларнинг турлари ва шакллари фарқлай олиш мурожаатларни қабул қилиш, расмийлаштириш, кўриб чиқиш ҳамда муайян қарорлар қабул қилишда жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки мурожаатнинг тури ва шакли уни қабул қилиш, расмийлаштириш, кўриб чиқиш ҳамда муайян қарорлар қабул қилиш жараёнига оид тартибнинг белгиланиши ва унга амал қилинишига жиддий таъсир кўрсатади.

Юқорида келтирилганларни инобатга олиб, ички ишлар органлари тизимида келиб тушган барча мурожаатларни назоратга олиш, уларда кўтарилган масалаларни Ички ишлар вазирлиги миқёсида ҳал этиш, муаммоларнинг ечими топилган ва тўлиқ ҳал қилингандан сўнггина назоратдан чиқариш, айбдор шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан қонуний чора кўриш, ҳар бир мурожаат натижаси юзасидан яқуний маълумотларни, аноним мурожаатларнинг анонимлигини тасдиқловчи асосларни тегишли давлат органига тақдим этиш талаб этилади.

2-§. ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА ОИД ФАОЛИЯТНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш фаолиятига оид куйидаги асосий ҳужжатларни санаб ўтиш мумкин:

I. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқишга доир ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосий ҳужжат ҳисобланади. Хусусан, Конституциянинг 35-моддасида «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт», деб белгиланади. Шу сабабли барча мурожаатларнинг сўзсиз кўриб чиқилиши ҳамда қонунда белгиланган тартибда белгиланган муддатларда кўриб чиқиш барча тоифадаги давлат хизматчиларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид мурожаатларини кўриб чиқишнинг маъмурий процессуал тартиби белгиланган. Кодексда нафақат ҳуқуқбузарликларга оид мурожаатлар, балки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида устидан шу қарор чиқарилган шахс, жабрланувчи, шунингдек уларнинг қонуний вакиллари ва адвокат томонидан шикоят бериш ҳуқуқи, тартиби, муддати, уни кўриб чиқиш ва ҳал қилув қарорини қабул қилиш ҳуқуқий тартибга солинган.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Жиноят-процессуал кодексда фуқароларнинг жиноят ҳақидаги мурожаатларини кўриб чиқишнинг жиноят-процессуал тартиби белгиланган. Кодексда шу билан бирга, суд қарорлари устидан шикоят бериш ва уни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриб чиқишга доир процессуал тартиб ўз аксини топган.

4. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғриси-

да»ги қонуни. Мазкур қонунда давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ёки мансабдор шахсларнинг қонунга зид ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан фуқароларнинг шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Қонун талабларига кўра, фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят билан бевосита судга ёки тобелик тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шикоятни ҳуқуқлари, эркинликлари бузилган фуқаро ёки унинг вакили, шунингдек фуқаронинг илтимосига кўра жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг ваколат берилган вакили бериши мумкин.

Шикоят фуқаронинг хоҳишига қараб ё у яшайдиган жойдаги судга ёки орган жойлашган ердаги ёхуд хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахснинг иш жойидаги судга берилади.

Судга шикоят билан мурожаат қилиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигидан хабар топган кундан бошлаб **уч ой**;

фуқаро юқори турувчи орган, мансабдор шахснинг шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ёзма билдиришини олган кундан бошлаб **бир ой**;

агар фуқаро ўз шикоятига ёзма жавоб олмаган бўлса, шикоят берганидан кейин бир ой муддат ўтган кундан бошлаб **бир ой**.

Шикоят беришнинг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддати суд томонидан тикланиши мумкин.

Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича суд қарор чиқаради.

Суд шикоятнинг асослилигини аниқлагач, устидан шикоят берилган хатти-ҳаракатни (қарорни) қонунсиз деб топади, фуқаронинг талабларини қаноатлантириш мажбуриятини юклайди ёки унинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини ўзгача йўл билан тиклайди.

Агар устидан шикоят берилган хатти-ҳаракатни (қарорни) суд фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузмайдиган қонуний хатти-ҳаракат (қарор) деб топса, у шикоятни қаноатлантиришни рад этади.

Суднинг қонуний кучга кирган қарори барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурий ва уни бажарилиши шарт ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятини тартибга солади. Мазкур қонунда ички ишлар органларининг асосий вазифалари этиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат эканлиги белгилаб қўйилган.

Мазкур қонун талабларига кўра, ички ишлар органлари ўз фаолиятини фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш асосида амалга оширади.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуни. Мазкур қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солган асосий норматив ҳужжатлардан саналади. Унда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи, мурожаатнинг шакллари, турлари, мурожаатларга қўйиладиган талаблар, уни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари, мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва давлат органларининг мажбуриятлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик каби масалалар ўз ифодасини топган.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, фармойиш ва қарорлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4904-сонли фармони. Мазкур фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ташкил этилди.

Фармонда ушбу тузилмаларнинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгиланган:

аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлаш;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига, Ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотларига ва хўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;

Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган мурожаатлар «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қатъий амал қилган ҳолда, тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этиш;

Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларига юборилган мурожаатлар кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг қабуллари давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари иштирокида, шу жумладан видеоконференцалоқа орқали ўтказиш;

Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушаётган мурожаатларнинг қайд этилиши, умумлаштирилиши, тизимлаштирилиши ва кўриб чиқилиши устидан назорат қилиниши бўйича ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш ва юритиш йўли билан мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш.

Мазкур фармон билан барча даражадаги Халқ қабулхоналари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг ходимлари ҳисобланади. Бу эса қабулхона ходимларига ўзига хос дахлсизлик ҳуқуқини ҳамда уларни эркин ва мустақил фаолият олиб боришига имкон беради.

Шуниси алоҳида эътиборлики, мазкур фармон билан давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарлари ва мансабдор

шахслари мурожаатлар тўғрисидаги қонунчилик талаблари ва нормаларини бузганликлари учун жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган жавобгарлик хусусида қатъий огоҳлантирилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли фармони. Ушбу фармоннинг асосий мақсади ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш ҳисобланади.

Мазкур фармонда кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар қаторида «Ички ишлар органлари фаолиятидаги мавжуд фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга етарлича эътибор берилмаслик, бефарқлик, ишга юзаки муносабатда бўлиш ва расмиятчилик, аҳоли билан мулоқот қилиш маданиятининг пастлиги, оқибатда бундай вазиятдан норози бўлган фуқаролар юқори ташкилотларга шикоят қилаётганлиги» ҳақида алоҳида таъкидланади.

Фармонда ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал хизматга айлантириш зарурлиги, **«Халқ манфаатларига хизмат қилиш»** ҳар бир ходимнинг асосий хизмат бурчи экани қайд этилди¹.

Шунингдек фармонда ички ишлар органлари мансабдор шахслари, шу жумладан профилактика инспекторларининг аҳоли билан мулоқоти йўлга қўйилмаганлиги, фуқаролар билан муомала маданияти пастлигича қолаётганлиги, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик таъминланмаётганлиги ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзаки кўриб чиқиляётганлиги, уларда кўтариляётган масалалар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмаётганлиги, мурожаатларга расмиятчилик учунгина жавоб берилиши фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқараётганлиги ҳақида сўз юритилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м.

Айни пайтда мазкур ҳолат ички ишлар органларининг фуқаролар билан муносабатларини тубдан қайта кўриб чиқишни, одамлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйишни, халқ билан ҳамнафас бўлиб яшаш ва инсон манфаатларидан келиб чиқиб ишлаш лозимлигини тақозо этади ҳамда ички ишлар органларининг зиммасига ҳар бир мурожаатни қонун ҳужжатларига қатъий амал қилган ҳолда, тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқиш, соҳавий хизмат йўналишлари бўйича мурожаатлар кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш, ички ишлар органларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда уларнинг имкониятидан кенг фойдаланиш кабиларга доир вазифаларни юклайди.

Бу эса *биринчидан*, ички ишлар органлари тизимида ходимларнинг мурожаатлар билан ишлаш соҳасидаги масъулиятини оширишни тақозо этиб, мурожаатлар билан ишлаш жараёнида ходимларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини оширишни энг долзарб масалалардан бирига айлантиради; *иккинчидан*, ички ишлар органларига қилинган ҳар бир мурожаатни масъулият билан тўлиқ, атрофлича, ҳар томонлама ўрганиш, айниқса, мурожаатларни кўриб чиқишда уларнинг такрорийлигига алоҳида эътибор қаратиш ва назоратга олишни талаб этади; *учинчидан*, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларига тўлиқ риоя этиш, мурожаатларнинг муаллиф (фуқаро) иштирокисиз кўриб чиқилишига йўл қўймаслик, келтирилган ҳар бир ваз жазасидан тўлиқ ва асослантилган жавоб бериш лозимлигини келтириб чиқаради; *тўртинчидан*, ички ишлар органлари ходимлари томонидан Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхона орқали келиб тушаётган мурожаатлар бўйича мурожаат этган шахс жавобдан қониқиш ҳосил қилгани тўғрисида маълум ҳужжат тузилиши, мурожаат юзасидан тегишли давлат органига тақдим этиладиган маълумотларнинг муфассал ёзилиши ҳамда зарурий иловаларни бириктириш лозимлигига доир амалиётни жорий этиш мақсадга мувофиқлигини намоён этади; *бешинчидан*, ички ишлар органлари ходимларининг мурожаатларни кўриб чиқишга доир ҳуқуқий билимини янада мустаҳкамлаш чораларини кўриш ҳамда улар томонидан ушбу фаолиятда фойдаланиш учун махсус қўлланмалар нашр этиб, жойларга тарқатиш лозимлигини келтириб чиқаради.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5278-сонли фармони.

Мазкур фармон билан мамлакатда давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Фармонда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари эҳтиёжларини тўлиқ қаноатлантирадиган сифат жиҳатидан янги даражага ўтишига тўсқинлик қилаётган айрим тизимли муаммоларга тўхтаб ўтилган.

Юқорида қайд этилган омилларни бартараф этиш, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш, шунингдек, аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб белгиланди:

биринчиси, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида уларнинг сифати, тезкорлиги, шаффофлиги ва фойдаланиш имкониятини тубдан ошириш орқали «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган улуғвор ғояни сўзсиз амалга ошириш;

иккинчиси, Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларга «ягона дарча» тамойили бўйича хизматларни тақдим қилувчи Давлат хизматлари марказларига ўзгартириш;

учинчиси, давлат хизматларининг ҳар бир тури бўйича «Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади» тамойилига кўра давлат хизматлари кўрсатиш механизмини, энг аввало, ортиқча тартиб-таомилларни бартараф этиш, ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар зарур ҳужжатлар ва ахборотларни бошқа тузилмалардан мустақил равишда олиши ҳисобига соддалаштиришни назарда тутувчи маъмурий регламентларни тасдиқлаш;

тўртинчиси, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасига инновацион ечимлар ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлар базаларини идоралараро электрон ҳамкорлик ягона тизимига интеграция қилиш, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматлари кўрсатиш амалиётини кенгайтириш;

бешинчиси, давлат хизматларини, шу жумладан олис жойларга чиқиш орқали («мобиль давлат хизматлари») кўрсатишнинг мақбул,

қулай ва шаффоф услубларидан, мазкур соҳада бюрократия ва коррупция юзага келишини бартараф этишга қаратилган навбатни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ва ишларнинг узайтирилган графигидан фойдаланиш;

олтинчиси, давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва тезкорлигини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг илғор механизмларини жорий этиш, аҳоли билан қайта алоқанинг самарали тизимини, шу жумладан тезкор алоқаларни, расмий сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва мобиль иловаларда онлайн сўровларни ташкил қилиш;

еттинчиси, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида малакали кадрларни тизимли тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, уларнинг малакасини, шу жумладан хорижий мамлакатларнинг етакчи ихтисослашган муассасаларида стажировка ўташ орқали тизимли равишда оширишни ташкил этиш.

2. Қуйидагилар негизида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилиб, агентликнинг зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилди:

жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш;

Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш, мазкур соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, жорий этиш ва интеграция қилишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан тегишли ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ва самарадорлигини баҳолаш;

давлат хизматлари кўрсатишнинг инновацион шакллари ва услубларини жорий этишни ташкил қилиш, мазкур соҳада қонунчилик ва ҳуқуқни кўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

3. 2018 йил 1 январдан Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузурида фаолият юритувчи Давлат хизматлари марказларига айлантирилиб, уларнинг зиммасига куйидаги асосий вазифалар юклатилди:

жисмоний ва юридик шахсларга «ягона дарча» тамойили бўйича, шу жумладан олис жойларга чиққан ҳолда давлат хизматлари кўрсатиш;

давлат хизматлари сервисининг юқори сифати, тезкорлиги, шаффофлиги, қулайлиги ва фойдаланиш имкониятини таъминлаш, мазкур соҳада бюрократия, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларга йўл қўймаслик;

идоралараро ҳамкорликни, энг аввало, давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ҳужжат ва ахборотларни тезкорлик билан олишни таъминловчи электрон ҳамкорликни амалга ошириш;

давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахсларга малакали ахборот ва маслаҳат ёрдамларини тақдим этиш;

ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатишда қонун ҳужжатлари ва маъмурий регламентлар талабларига риоя этилишини таъминлаш.

Президентимизнинг мазкур фармони жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг айрим жиҳатларини билвосита тартибга солинишини таъминлашга хизмат қилади.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги «Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлари ҳокимликларининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун талабларини сўзсиз бажариш юзасидан жавобгарлиги тўғрисида»ги 366-сонли қарори. Мазкур қарор билан вазирлик ва идоралар (шу жумладан, ИИВ ва унинг қўйи тузилма идоралари) зиммасига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш юзасидан қўшимча вазифалар юклатилган ва ижро тартиби белгиланган.

Қарорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари аҳоли ва тадбиркорлар учун кунлик соат

8:00 дан 11:00 гача шахсий қабулларни ташкил қилиш чораларини кўриш ва бунда:

жойларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ишлашни тубдан қайта кўриб чиқиш, уларнинг муаммолари ва эътирозларини жойида ҳал этиш, аҳоли билан ишлаш маданиятини ошириш;

аҳоли ва тадбиркорлар томонидан мурожаатларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонасигача олиб чиқмаслик мақсадида ўзларининг веб-сайтлари ва ишонч телефонлари орқали мурожаат қилиш тизимини тубдан яхшилаш;

фуқаролар томонидан давлат хизматларидан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида мурожаатлар статистикасининг таҳлили асосида тегишли давлат хизматларини интерактив кўринишга ўтказиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига киритишни таъминлаш вазифаси қўйилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги «Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 341-сонли қарори. Ушбу қарор билан «Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом» тасдиқланган.

Намунавий низомда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари, мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби, давлат органларида, ташкилотларида мурожаатлар билан ишлашни ташкиллаштириш, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари, мурожаатларни кўрмай қолдириш ва кўриб чиқишни тугатиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари хамда уларни видео-коференц-алоқа воситасида қабул қилишни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг хамда мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, мурожаатларнинг кўриб чиқилишини мониторинг ва назорат қилиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш масалалари қайд этилган.

3-§. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2016 йил 12 ноябрдаги «Ички ишлар идораларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 180-сонли буйруғи. Ушбу буйруқда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг барча турдаги бошқарма, муассаса ва мустақил бўлимлари, тергов ҳибс-хоналари, жазони ижро этиш муассасалари учун ягона тартибни белгилайди, яъни унга асосан:

– ички ишлар органларига келиб тушган жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар тўғрисидаги ҳар бир ҳолат бўйича ички ишлар органлари ходимлари томонидан текширув ҳаракатлари ўтказилишининг мажбурийлиги;

– улар устидан тегишли тартибда назорат ишларини юритиш;

– ички ишлар органларига келиб тушган жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар тўғрисидаги ҳар бир ҳолат ўз вақтида қайд этилиши, улар бўйича тегишли тартибда қонуний қарор қабул қилиниши ҳамда унинг статистик ҳисоботини олиб бориш вазифалари юклатилган.

2. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 19 февралдаги «Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 195-сонли буйруғи. Ушбу буйруқда маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши, маъмурий ҳуқуқбузарликлар қайси муддат ва қайси жойларда кўриб чиқирилиши, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, профилактика (катта) инспекторлари томонидан ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиладиган муайян маъмурий ҳуқуқбузарликлар, шунингдек маъмурий жарима жазосини қўллаш ва ижросини таъминлашга доир қоидалар ўз ифодасини топган.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 14 июлдаги «Ички ишлар органлари ходимларининг муомала маданиятини ошириш чоралари тўғрисида»ги 147-сонли буйруғи.

Ушбу буйруқ билан ички ишлар органлари ходимларининг муомала маданиятини ошириш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш, шунингдек ходимлар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунида белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш принципига ҳар томонлама ва тўлақонли амал қилишларини таъминлаш ҳамда ходимларнинг муомала маданиятини яхшилаш ва уларнинг бу борадаги шахсий жавобгарлигини ошириш мақсад қилиб кўрсатилган. Унга кўра қуйидаги вазифалар белгилаб қўйилди:

муомала маданиятига риоя этиш ички ишлар органлари ходимларининг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади;

ички ишлар органига ёки аниқ бир ходимга мурожаат қилган ҳар қандай шахс зудлик билан қабул қилиниши ва эътибор билан тингланиши шарт;

ички ишлар органларининг барча даражадаги раҳбарлари ўз ходимларини қўполлик ва лоқайдликка нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашлари, ўзаро ва фуқаролар билан қўпол муомалада бўлиш ҳолатларига қатъий муносабат билдиришлари ҳамда хулқ-атвор ва муомала маданиятлари билан ўзлари шахсий намуна кўрсатишлари зарур.

Ички ишлар органлари ходими:

ҳар доим аҳоли кўз ўнгида эканлигини ҳамда ички ишлар органларининг обрўси унинг хулқ-атворига ва хатти-ҳаракатларига бевосита боғлиқ эканлигини ҳамда ички ишлар органларига мурожаат қилган ҳар бир фуқарога ёрдам кўрсатиш аҳолида ички ишлар органи фаолияти тўғрисида ижобий фикрни шакллантиришини ёдда тутиши;

фуқаролар билан хушмуомала бўлиши, уларнинг мурожаатларига ҳолисона ва виждонан ёндашиши, айниқса, болалар, аёллар ва қарияларга алоҳида эътибор қаратиши;

ички ишлар органларига олиб келинган ҳар бир инсон шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлигини ёдда тутиши ва айбсизлик презумпцияси принципига амал қилиши;

фуқаролар билан мулоқотда сансалорликка йўл қўймаслиги ҳамда бевосита ўз ваколатлари доирасига кирмайдиган мурожаатлар юзасидан фуқароларни тегишли раҳбар ёхуд малакали масъул ходим билан боғлаши;

ички ишлар органларига чақирилган (олиб келинган) фуқарога биринчи навбатда ўзини таништириши, унга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши, унинг чақирилиши ёхуд йўлда тўхтатилиши сабабларини тушунтириб бериши, унинг савол ва тушунтиришларига нисбатан эътиборли бўлиши, унга тааллуқли масалага оид қонун ҳужжатлари нормаларини таништириши, башарти фуқаро такроран чақирилган ҳолларда уни зудлик билан қабул қилиши ҳамда ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилганлиги учун миннатдорлик билдириши зарур.

Ички ишлар органлари ходимлари учун қуйидагилар қатъиян ман этилади:

ўзини фуқаролардан устун қўйиш, уларга нисбатан беписанд муносабатда бўлиш ёки қўполлик қилиш, ёлғон гапириш ёхуд бошқа асоссиз баҳоналар билан уларни чалғитиш;

фуқароларни шаъни ва кадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар ва муомалага (ҳақорат қилиш) йўл қўйиш, уларга нисбатан қонунга хилоф равишда жисмоний куч ишлатиш ёки шундай куч ишлатиш билан қўрқитиш;

жисмоний шахслар мурожаатларини кўриб чиқишдан бўйин товлаш ёки кўриб чиқишни асоссиз рад этиш;

хизмат зарурати билан ички ишлар органларига чақирилган (олиб келинган) шахсларни асоссиз куттириб қўйиш;

хизматни олиб бориш вақтида, шунингдек хизмат кийимида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш.

Ички ишлар органларига мурожаат қилган ҳар бир фуқаронинг муаммосини атрофлича ўрганиш ва ўз ваколати доирасида қонуний ҳал этиш ҳар бир ходимнинг хизмат бурчи эканлиги ушбу буйруқ орқали белгилаб қўйилди.

4. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 29 апрелдаги «Ички ишлар органларида жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 70-сонли буйруғи. Ушбу буйруқ билан Ички ишлар вазирлиги «Жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармаси тўғрисида»ги ҳамда «Мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш маркази тўғрисида»ги низомлари тасдиқланган.

Ички ишлар вазирлигининг Жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юртиш бошқармасининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилар ҳисобланади:

жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, юридик шахсларнинг мурожаатлар соҳасидаги манфаатларини сўзсиз амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш;

мурожаатларни тўлиқ, холисона, ўз вақтида қабул қилиш ва кўриб чиқишни ташкил қилиш;

мурожаатларнинг кўриб чиқилишини тизимли мониторинг ва назорат қилиш;

мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш маркази томонидан ягона қисқа рақамли ишонч телефони орқали мурожаатларни туну кун қабул қилинишини таъминлаш;

жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, фуқаролар билан очиқ мулоқотни кенгайтириш, аҳолининг ички ишлар органларига ишончини мустаҳкамлаш;

ички ишлар органларида иш юритишнинг ягона тизимини таъминлаш;

ички ишлар органларида махфийлик тартиботини таъминлаш орқали давлат ҳамда қонун билан кўриқланадиган бошқа сирларнинг ишончли сақланишининг чораларини кўриш;

Бошқарма тизими фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, уни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.

5. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 14 ноябрдаги «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 252-сонли буйруғи. Мазкур буйруқ билан «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида»ги низом тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқарма, бошқарма, мустақил бўлим ва таълим муассасалари бошлиқларига, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирига, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларига:

мазкур буйруқ барча ички ишлар органлари ходимлари ҳамда ҳарбий хизматчилари томонидан ўрганиб чиқилиши ва унинг талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;

ички ишлар органлари ҳамда таркибий бўлинмаларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш масаласига биринчи раҳбар шахсан жавобгар эканлиги белгилансин;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ички ишлар органлари биринчи

рахбарлари ҳузурида ўтказиладиган тезкор йиғилишларда танқидий муҳокама қилиниб, ушбу соҳада аниқланган камчиликлар ва салбий ҳолатларни бартараф этиш чоралари кўриб борилсин;

ички ишлар органларидаги жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш хоналари белгиланган тартибда жиҳозлансин ва уларда қабуллар тасдиқланган жадвалларга қатъий риоя этган ҳолда ташкил этилсин;

ички ишлар органлари раҳбарларининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш тартиби ва жадваллари, қабулларни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар ички ишлар органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилиши, шунингдек маъмурий бинода ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши таъминлансин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолияти бир қатор қонун ва қонуности ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида, комплекс тарзда тартибга солинади. Шу боис мазкур йўналишдаги фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни ўрганиш жараёнига ҳам комплекс ёндашиш талаб этилади.

4-§. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

Моҳиятан ва мазмунан ёндашилганда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари ички ишлар органларига ўзининг аризаси, шикоят ва таклифи асосида ёрдам сўраб ёки фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялари билан мурожаат қилади. Айни пайтда жисмоний шахсларни ёки юридик шахсларнинг вакиллари давлат идораларига ҳар доим ҳам ҳимояга муҳтожлигидан мурожаат қилавермайди, баъзан адолатнинг қарор топиши, айб учун жазонинг муқаррарлиги принципи ижтимоий ҳаётда тўлиқ таъминланиши юзасидан ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Масалага қай жиҳатдан ёндашмайлик, асосийси, мурожаат қилувчининг шахсини ҳурмат қилиш, унинг руҳий кечинмаларини ҳис қилиб, унга пешвоз чиқиш, дардини, муддаосини эшитиш диққат марказида бўлиши лозим.

Бу эса ички ишлар органларида жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилувчи раҳбар ва ходимларга катта масъулият юклайди. Ушбу жараённинг самарали ташкил этилишини фақат ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб бўлмайди, зеро мазкур масалада раҳбар ва ходимларнинг шахсий фазилатлари ва касбий хусусиятлари, яъни билими, дунёқараши, касбий ва ҳаётий тажрибаси, сўз бойлиги, муомала ва нутқ маданиятидаги ютуқлари алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 14 ноябрдаги 252-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида»ги низоми талабларига мувофиқ ички ишлар органлари ва таркибий бўлинмаларда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда, қабул қилиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш ички ишлар органи ҳамда таркибий бўлинма раҳбари ёки унинг топшириғига мувофиқ бошқа ваколатли шахслар томонидан амалга оширилади.

Белгиланган кун ва соатлардан ташқари вақтларда Ички ишлар вазирлиги Жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан

ишлаш ва иш юритиш бошқармасининг Жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими ходимларининг оғзаки сўровига асосан жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма раҳбарлари ёхуд улар белгилаган масъул ходимлар томонидан қабул қилинади.

Қонун ва қонуности ҳужжатлар талабларига кўра, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш деганда, уларни ички ишлар органи раҳбарияти томонидан бевосита қабул қилиниши тушунилади. Бошқача айтганда, ички ишлар органи тизимида жисмоний шахсларни ҳамда юридик шахсларнинг вакиллари (белгиланган кун ва соатларда, қабул жадвалларига мувофиқ) шахсан биринчи ва масъул раҳбарлар томонидан қабул қилиниши назарда тутилади.

Жисмоний шахсларни ҳамда юридик шахсларнинг вакиллари бевосита ички ишлар органида қабул қилишнинг ўзига хос тартиби ва шартлари мавжуд. Бинобарин, қабул қилиш тартиби ва жадваллари, қабулни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборот ички ишлар органининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади, шунингдек уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш жадвали ички ишлар органи раҳбари томонидан тасдиқланади. Жадвалда ИИБ раҳбарияти, унинг юқори органи раҳбарияти томонидан ҳафта-нинг қайси кунлари, куннинг қайси вақтларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилишга оид маълумотлар ўз ифодасини топмоғи лозим.

Қоидага кўра, жисмоний ва юридик шахслар ички ишлар органи ваколати доирасидаги масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлган раҳбарлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қабул қилинади. Қабул аввалдан белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қулай бўлган вақтда ўтказилиши лозим.

Ички ишлар органининг мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими қабулга келган жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилишни, шунингдек уларни қабул қилиш билан боғлиқ ишларни ташкил этади.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш вақтида юқори билим, касбий маҳорат ва ҳуқуқий тайёргар-

ликни намоён этиш, муомала маданиятига риоя этиш, уларнинг муаммоларини тўлиқ тинглаш ва қайд этиш талаб этилади.

Ҳар бир ички ишлар органи томонидан жисмоний шахсларни ҳамда юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш хоналарига фуқаролар ҳеч қандай тўсиқсиз кириб чиқишлари учун шароит яратилиши, хоналар белгиланган тартибда жиҳозланиши ва ушбу қабул-хоналарни тасдиқланган жадвал асосида мунтазам равишда ишлаши таъминланиши лозим.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилувчи раҳбар ёки ваколатли шахснинг кўрсатмасига кўра ички ишлар органининг бошқа ходимлари ҳам қабул қилиш жараёнига жалб этилиши мумкин.

Агар жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилиш вақтида мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш ички ишлар органи ёки таркибий бўлинманинг ваколатига кирмаслиги аниқланган тақдирда, уларга мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш кераклиги тушунтирилади. Бунда жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг талабига биноан ёзма шаклда жавоб берилади.

Бинобарин, ички ишлар органи ва таркибий бўлинма раҳбарлари ёки уларнинг ўринбосарлари жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини ҳар қандай масалалар, шу жумладан ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қабулни рад этишга ҳақли эмас, бироқ жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, агар уларнинг шундай хусусиятга эга бўлган аввалги мурожаати бўйича қарор қабул қилинган ва бу ҳақда уларга Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунида белгиланган тартибда хабар қилинган бўлса, рад этилиши мумкин.

Жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармасининг Жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими ходимларининг оғзаки сўровига асосан ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма раҳбарлари ва масъул ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарида жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини қабул қиладилар.

Ички ишлар органларида жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш учун алоҳида хона ажратилади.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш хоналарини қабуллар жараёнида фуқароларга зарурий тушунтиришлар беришда фойдаланиш учун:

ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати;

ички ишлар органларининг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, маълумот хизмати телефонларининг рақамлари;

аризаларни, таклифларни ҳамда шикоятларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот;

ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровни қабул қилиш тартиби ҳақидаги ахборот;

ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг рўйхатлари акс эттирилган ахборот стендлари ҳамда бошқа зарурий ахборот ва маълумотлар билан жиҳозланади.

Шунингдек, ички ишлар органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини қабул қилиш хонаси қуйидаги моддий-техник жиҳозлар билан таъминланиши мақсадга мувофиқ саналади:

ички ишлар органлари раҳбариятининг жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш бўйича тасдиқланган жадвал (қабул кунлари, соатлари ва қабул ўтказувчи мансабдор шахслар номлари кўрсатилган маълумот) илиб қўйиладиган шиша ойнали стенд;

қабул қилувчи шахс ва мурожаат билан келганлар учун стол ва стуллар;

мурожаатлар бўйича иш юритиш ҳужжатларини сақлаш учун сейф ёки металл шкафлар;

қабулга келган фуқаролар учун кутиш жойи ва ўриндиқлар;

телефонлар (ички ишлар органлари тезкор навбатчиси билан тўғридан-тўғри ички алоқа тизими ва шаҳар-маҳаллий телефон тармоғи);

дори қутиси ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш воситалари;

қонун ҳужжатлари, кодекслар ва юридик адабиётлар учун шкаф;

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни ва бошқа мурожаатлар тўғрисидаги қонуности ҳужжатларидан нусхалар ва улар асосида тайёрланган плакатлар;

Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят-ижроия ва Меҳнат кодекслари (охирги ўзгартириш ва қўшимчалар билан);

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлиниш харитаси ва хизмат кўрсатиладиган ҳудуд чизмаси.

Юқоридагилар билан бирга ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма раҳбарлари ва масъул ходимлари томонидан жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллари, шунингдек оммавий қабуллар ташкил этилиши мумкин.

Сайёр қабуллар деганда, ички ишлар органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан муайян ҳудуд (вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ, овул, маҳалла)даги сайёр шахсий қабуллар ташкил этилиши тушунилади.

Оммавий қабул деганда, давлат органи раҳбарининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахсининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати тушунилади.

Сайёр қабулларнинг оммавий қабуллардан фарқи шундаки, сайёр қабуллар, биринчидан, жойларда (яшаш, ўқиш ва иш жойларида) ўтказилади, иккинчидан, аксарият ҳолларда индивидуал қабул тарзида, яъни қабулга келганларни бирма-бир ёки бир масала бўйича келган икки ёки ундан кўпроқ шахсларни қабул қилиш амалга оширилади.

Жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллари, шунингдек оммавий қабуллар, зарур бўлган ҳолларда, қабул қилиш жадвалларидан ташқари ўтказилиши мумкин.

Ички ишлар органи раҳбари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида ўтказиладиган сайёр шахсий қабуллар ҳам ички ишлар органи раҳбари томонидан тасдиқланадиган жадвал асосида ўтказилади, аммо зарур ҳолларда бу талаб истисно этилади, яъни бундай вазиятларда жадвалда назарда тутилмаса ҳам сайёр шахсий қабуллар ўтказилишига йўл қўйилади. Мазкур қабулларда мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма раҳбари ва бошқа масъул ходимлар иштирок этиши мумкин.

Сайёр шахсий ва оммавий қабулларни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар ҳам юқорида келтирилган тартибда манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши, шунингдек маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий ва оммавий қабул вақтида берган оғзаки мурожаатлари ҳам қонун талабларига мувофиқ расмийлаштирилади, рўйхатга олинади ҳамда белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Сайёр шахсий ва оммавий

қабул вақтидаги мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида рўйхатга олинади.

Айни пайтда оммавий қабул ҳовлиларга (квартираларга), бошқа биноларга ва жойларга бирма-бир кириб чиқиш орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

Сайёр шахсий қабулда бевосита мазкур маъмурий ҳудуд профилактика (катта) инспектори ҳам иштирок этиши мумкин. Ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабига кўра, ҳар бир таянч пунктида фуқароларни қабул қилиш учун муносиб, қулай шарт-шароитларга эга махсус хоналар ажратилган, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза ва шикоятлари учун махсус қути ўрнатилган бўлиши керак. Жисмоний ва юридик шахсларнинг махсус хоналарга ҳеч қандай рухсатсиз ва эркин кириши таъминланиши зарур.

Ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятини тартибга солиб турувчи норматив ҳужжатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2896-сонли қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисидаги Низом»га биноан, «Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини, шу жумладан, тайёрланаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги хабарларини қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш» профилактика инспекторларининг асосий ваколатларидан бири ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан ички ишлар органларининг таянч пунктларида профилактика (катта) инспектори томонидан «Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш китоби» юритилиб, китобда мурожаат қилувчилар тўғрисидаги маълумотлар (мурожаат қилган фуқаронинг фамилияси, исми, шарифи, яшаш манзили), сана ва мурожаатнинг қисқача мазмуни ҳамда кўрилган чора-тадбирлар қайд этиб борилиши талаб этилади.

Китобда фуқаролар томонидан махсус қутига ташлаб кетилган муайян шаклдаги мурожаатлар ёки тўғридан-тўғри қилинган мурожаатлар, оғзаки ёки ёзма бўлишидан қатъи назар, бир хил тартибда қайд этиб борилади.

Агарда профилактика (катта) инспекторига фуқаролар жинойт ҳақидаги ариза ёки шикоят билан мурожаат қилса, профилактика (катта) инспектори бу ҳақда зудлик билан ички ишлар органи

навбатчилик қисмига телефон орқали, хабарлар тафсилоти ёзиб олинган телефон алоқалари ўрнатилган органларда эса шундай телефон рақамига қўнғироқ қилиб, хабар беради. Борди-ю, мурожаат содир этилган жиноят ёки бедарак йўқолган шахс билан боғлиқ ариза ёки хабар шаклида бўлса, у ҳолда мурожаат Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган ваколат доирасида ва тартибда қабул қилади.

Агар фуқаронинг бир неча бор қилган мурожаати асосиз ёки қонунга хилоф хусусиятга эга бўлса ёхуд унинг мурожаати бўйича қарор қабул қилинган бўлса, мурожаатни қабул қилувчи ички ишлар органи ходими уни қабул қилишни рад этиши мумкин.

Барча ички ишлар органларида жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш масаласига шахсан биринчи раҳбарлар жавобгардир.

Жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш чоғида ички ишлар ходими юксак касбий ва инсоний фазилатларини намоён қилиши, фуқаролар билан хушмуомалада бўлиши, эстетика қоидаларига риоя қилиши (фуқароларга эътиборсиз бўлмаслиги, қабул вақтида тамаки маҳсулотларини чекмаслик ва бошқа ишлар билан чалғимаслиги кабилар) талаб этилади.

Хушмуомалалик ички маданиятнинг ташқи кўринишидир. Унинг асосини инсонийлик ташкил этади. Фуқаролар билан бўладиган муомала қуйидаги хулқ-атвор қоидаларини қамраб олади: одамларга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш; инсонга хайрихоҳлик, эътиборлилик; муҳтожларга ўз вақтида ёрдам бериш, уларнинг ҳожатини чиқариш; илтифот билан жой кўрсатиш, жой бериш, олдинга ўтказиб юбориш, ёрдамлашиш; одамларни ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ноқулай аҳволга солиб қўймаслик, агар шундай ҳолат юз берса, тезликда кечирим сўраш ва ўз хатти-ҳаракатини тuzатиш; кексаларга, болаларга ва аёлларга алоҳида илтифот кўрсатиш ва ҳоказолар. Ходим ушбу талабларга бутун фаолияти давомида амал қилиши керак.

Ички ишлар органларининг ходимлари жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари билан бўладиган мулоқотларда албатта зийрак, ҳушёр, меҳрибон бўлишлари лозим.

Зийраклик жисмоний шахсларни ва юридик шахс вакилларининг орзу-умидларини, хоҳиш-истакларини, дилидаги гапларини тезликда фаҳмлаб олиш ва шунга жавобан ахлоқ қоидалари асосида ҳаракат қилишдир. Зийракликнинг асосини сезгирлик ва ҳушёрлик ташкил

этади. Зийраклик фуқаролар дилидагини илғаб олиш, уларнинг қалбидан жой олишга хизмат қиладиган сирли калитдир.

Фуқароларга зийраклик, яъни сезгирлик билан яхши муомала қилиш, уларнинг дардига қулоқ солиш, саволларига ширинсуханлик билан жавоб қайтариш, уларга ёрдам қўлини чўзиш, умуман, яхши муносабатда бўлиш охир-оқибатда барча мушкул муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Бу эса ички ишлар органлари ходимларининг аҳоли ўртасидаги обрўйини янада оширади, халқнинг уларга нисбатан ишончи кучаяди ва у ички ишлар органлари ходимларининг ишончли таянчига айланиб боради.

Ходим жисмоний шахсларни ва юридик шахс вакилларининг мурожаатлари юзасидан қабул қилганда улар билан муносабатда, энг аввало, ўзини давлат ҳокимияти вакили эканлигини, одамлар унинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати, сўз оҳанги ва ташқи қиёфасига қараб бутун ички ишлар органлари ходимларига баҳо беришларини, унинг обрўси давлат обрўси эканлигини унутмаслиги керак.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари мурожаат қилганда саломлашиш қоидаларига тўлиқ риоя қилмоғи, яъни ҳарбий-часига саломлашиб, ўзининг лавозими, унвони, исми-шарифини айтиши, сўнгра мурожаат қилиш сабабини ва мақсадини диққат ва сабр-тоқат билан эшитиши шарт. Уларнинг барча саволларига, мурожаатларига хушмуомалалик билан жавоб бериши, ётиғи билан тушунтириши, уларга иложи борича ёрдамлашиши, иложи бўлмаганда маслаҳат бериши зарур.

Ходимнинг фуқаролар билан муомала қилиш чоғида: димоғдорлик, қўполлик қилиш, кинояли, дағал тарзда танбеҳ бериши, гапирганда инсон кадр-қимматини таҳқирловчи пичинг ва қочириқ сўзларни ишлатиши, фуқароларга асосланмаган айблар қўйиши, таҳдид солувчи ҳамда уларнинг кадр-қиммати ва шахсини таҳқирловчи бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўйиши қатъиян тақиқланади. Ҳар бир ходим ҳар қандай фуқаронинг ҳурмат-иззатини ўрнига қўйиб гаплашиши шарт¹.

Ички ишлар органлари ходимларининг фуқароларни қабул қилиши уларнинг аҳоли билан бирлигини таъминловчи омиллардан

¹ Қаранг: *Сирлиев Б.Н.* Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишдаги муомала маданияти // Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференция материаллари (2015 йил 21 ноябрь). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б.102–103.

бўлиб, фуқароларнинг саволларига, ариза ва шикоятларига тез ва тўғри жавоб топиш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш, адолатни қарор топтириш мақсадида ташкил этилади. Бунда қуйидаги қоидаларга риоя этиш зарур:

– фуқароларни мурожаат этилган масалалар бўйича зарур қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган ички ишлар органлари ходимлари, бошлиқлари қабул қилишлари керак;

– фуқароларни қабул қилиш учун ажратилган хона тоза, озода, ёруғ, тинч ва қулай бўлиши, керакли кўрғазмали маълумотлар ҳамда юксак эстетик дид билан жиҳозланган бўлиши зарур. Қабул қилиш учун яратилган шарт-шароит ва муҳит ички ишлар органлари ходимларининг маданиятлилик даражасини кўрсатувчи белгилардан бири эканлигини унутмаслик керак;

– фуқароларни қабул қиладиган ходим доимо махсус кийимда (формада) бўлиши, ўзини камтарона тутиши лозим, фуқароларга ёрдам беришга тайёрлиги қабулдаги фуқарога сезилиб туриши, фуқарода эса уни қабул қилаётган ходимга нисбатан ишонч ҳосил бўлиши керак. Шунингдек, ходимнинг ташқи кўриниши ораста бўлиши зарурлигини унутмаслиги лозим;

– ички ишлар органи ходими қабулига келган фуқарони, у ким бўлишидан қатъи назар, ўрnidан туриб, пешвоз чиқиб кутиб олиши, саломлашиши, ўтириш учун таклиф қилиши ва ҳол-аҳвол сўраши лозим. Шундан сўнг суҳбатдош фуқаронинг исми-шарифи, иш жойи, манзили, телефонини сўраши ва бу маълумотларни тегишли дафтарга қайд этиши, ташрифдан кўзлаган мақсадини сўраши керак;

– суҳбат чоғида фуқаронинг барча гапларини диққат билан тинглаши, гапини бўлмасдан эшитиши, сўнг ноаниқ ёки тушунмай қолган нарсалари тўғрисида савол бериш керак. Савол-жавоб жиноятчи ёки гувоҳни сўроқ қилиш тарзида бўлмаслиги лозим. Суҳбат самимий, эркин тарзда олиб борилиши керак;

– ташриф буюрган фуқаронинг барча саволларига, шикоятларига тўлиқ жавоб бериш, жавобнинг тушунарли бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Фуқаро жавобдан қониққан бўлса, унга миннатдорчилик билдириш, қониқмаган бўлса юқори ташкилотларга мурожаат қилиш тартибини ётиғи билан, шошмасдан, хушмуомалалик билан тушунтириш зарур. Суҳбат тугаганидан сўнг фуқарога сиҳат-саломатлик тилаб, хайрлашиш ва албатта кузатиб қўйиш лозим;

– суҳбат чоғида фуқаронинг мурожаатига алоқадор мансабдор шахслар иштирок этаётган бўлсалар, уларнинг барчасини фуқарога

таништириш керак. Борди-ю, суҳбатдош фақат бошлиқнинг ўзи билан гаплашиш истагини билдирса, бунга ҳам имкон бериш лозим;

– фуқаролар билан суҳбат чоғида уларга берилаётган жавоб аниқ ва ишонарли бўлиши учун жавобни тегишли қонунлардан ва бошқа норматив ҳужжатлардан парчалар ўқиб бериш орқали асослаш мақсадга мувофиқдир;

– кўрилаётган масала ички ишлар органи бошлиғининг ваколатига кирмаса, фуқарога бу ҳақида ётиғи билан тушунтирилиб, кимга мурожаат қилиши зарурлиги айтилади;

– суҳбат давомида кўрилаётган масалани ҳал қилиш учун кўшимча маълумотлар, ҳужжатларни кўриш ёки муайян ташкилий тадбирларни ўтказиш зарур бўлса, бу ҳақда суҳбатдошга маълум қилинади ва масала ҳал этилиши лозим бўлган аниқ вақт белгиланади;

– қабулга келган фуқаронинг маълумоти жиноятни очишга ёки ички ишлар органи фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бўлса, унга албатта ташаккур айтиш керак;

– маст ҳолда келган фуқаролар билан одатда суҳбат ўтказилмайди. Борди-ю, улар жиноят ёки бошқа кўнгилсиз воқеа содир этилаётганлиги ёки бунга ҳаракат бўлаётганлиги ҳақида маълумотга эга бўлсалар, уларнинг сўзларини тинглаш ва тегишли чора-тадбирларни кўриш зарур.

Ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма раҳбарлари ва масъул ходимлари томонидан ички ишлар органида, худудларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарида жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакиллари учун ўтказилган шахсий ва сайёр қабуллар бўйича белгиланган шакл¹да маълумотнома тузилади ва ҳар ой Жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлимига ҳисоботлар билан бирга тақдим этиб борилади.

¹ Қаранг: 2-илова.

5-§. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ, МУДДАТЛАРИ, КЎРМАЙ ҚОЛДИРИШ ВА ТУГАТИШ АСОСЛАРИ

Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом» ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибларда амалга оширилади.

Ички ишлар органларига келиб тушган мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш учун юбориш, шунингдек мурожаатларнинг ҳисобини юритиш ва кўриб чиқилишини назорат қилиш ички ишлар органларининг мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали тушаётган мурожаатлар бўйича иш юритиш электрон шаклда амалга оширилади.

Ички ишлар органларида оғзаки, ёзма ва электрон мурожаатларни қайд этиш, рўйхатга ва ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 14 ноябрдаги 252-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом»ида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу низом талабларига мувофиқ, оғзаки мурожаат билан келган жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма раҳбарлари ёхуд улар томонидан белгиланган масъул ходимлар томонидан қабул қилинади.

Оғзаки мурожаатлар реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан давлат органларининг, ташкилотларнинг ишонч, тезкор алоқа телефонлари орқали ва видеоконференцалоқа воситасида ҳам берилиши ва амалга оширилиши мумкин.

Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса – ўз ваколатларини

тасдиқлайдиган ҳужжатни, шунингдек ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак. Мурожаат қилувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар текширилгандан кейин жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларидан келиб тушган оғзаки мурожаатини ҳисобга олиш варақаси¹ тўлдирилади. Ҳар бир тўлдирилган ҳисобга олиш варақаси оғзаки мурожаат сифатида рўйхатга олинади.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари ички ишлар органларига оғзаки мурожаат этганларида улар томонидан тақдим қилинган ёзма мурожаатлар ҳамда бошқа материаллар қабул қилиниши ва «Жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки мурожаатини қайд этиш варақаси»га илова қилиниши талаб этилади.

Жинойят ҳақидаги ариза ва шикоятлар билан боғлиқ мурожаатлардан ташқари бошқа барча шаклдаги ёзма мурожаатлар ички ишлар органи жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқарма (бўлим, бўлинма)да шу куннинг ўзида қайд қилиниши шарт.

Вазирлик ишонч телефониغا келиб тушаётган ва бошқа турдаги мурожаатлар билан ишлашда электрон ҳужжат айланиши тизими жорий қилиниши мумкин. Вазирлик ишонч телефонининг иш фаолияти Ички ишлар вазири буйруғи билан тасдиқланган ички идоравий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этилади.

Вазирлик ишонч телефонининг иш фаолияти ИИВнинг 2017 йил 29 апрелдаги «Ички ишлар органларида жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 70-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш маркази тўғрисида»ги Низом талабларига асосан ташкил этилади.

«Мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш маркази тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, мазкур марказнинг фаолияти туну кун узлуксиз ташкил этилади.

Мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш марказининг асосий вазифа ва функциялари қуйидагилар ҳисобланади:

белгиланган классификатор асосида суриштирув ва тергов фаолияти, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, жазони ижро этиш, ёнғин хавфсизлиги, ички ишлар органлари фаолиятига оид бошқа масалалар бўйича жисмоний ва

¹ Қаранг: 3-илова.

юримдик шахсларнинг оғзаки муружаатларини телефон орқали туну кун қабул қилиш;

марказга келиб тушган муружаатларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва қонун талабларига қатъий риоя этган ҳолда кўриб чиқилишини ташкил этиш ва назорат қилиш, бу борада тезкор ахборот алмаши-нувини таъминлаш.

Марказ томонидан муружаатлар «1102» рақамли ишонч телефони орқали қабул қилинади ҳамда уларнинг рўйхати ва ҳисоби махсус электрон дастур асосида юритилади.

Электрон муружаатлар тушган кунида, иш вақти тамом бўл-гандан кейин тушган электрон муружаатлар эса навбатдаги иш кунида қоғозга чоп этилиб рўйхатга олинади.

Электрон муружаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларга эга бўлган электрон ҳужжат шаклида бўлиши керак.

Муружаатни электрон муружаат тарзида қайд этиш учун у давлат органининг ёки ташкилотининг расмий веб-сайти ёхуд расмий электрон почта манзили, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республи-каси Ҳукумат портали орқали келиб тушган бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали орқали келиб тушган муружаатлар электрон муружаатлар тарзида қайд этилади ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 30 июндаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали тўғрисида низом талаблари ҳисобга олинган ҳолда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Ёзма ва электрон (қоғозга чоп этилган) муружаатлар, уларнинг биринчи саҳифаси қуйи ўнг қисмида қайд этиш штампини қўйиш орқали электрон дастурда рақам билан рўйхатга олинади.

Қайд этиш штампиди ички ишлар органи ёки таркибий бўлин-манинг расмий номи (агар ички ишлар органи ёки таркибий бўлин-манинг расмий номи узун бўлса умумқабул қилинган қисқартирилган ном ёки қисқартма кўрсатилиши мумкин), муружаатнинг келиб тушган санаси ва қайд этиш рақами кўрсатилади.

Ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма раҳбарига оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки муружаат-ларни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди. Бунда жисмоний шахс-

нинг ёки юридик шахс вакилининг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, мурожаатнинг қисқача мазмуни, шунингдек уни кўриб чиқиш натижаси оммавий қабул баённомасида кўрсатилади.

Мурожаатлар почта орқали ҳам берилиши мумкин. Почта орқали келиб тушган конвертда, мурожаат ва унинг иловалари борлигини синчиклаб текшириш талаб этилади. Агар конвертда мурожаатнинг мавжуд эмаслиги ёки унинг яроқсизланганлиги, шунингдек мурожаатда кўрсатилган иловаларнинг йўқлиги аниқланганда **уч нафар ходим** иштирокида икки нусхада далолатнома тузилиб, улардан бири мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлимида қолади, иккинчиси мурожаат қилувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича жўнатилади.

Почта орқали келиб тушган мурожаатларнинг конвертлари кейинчалик мурожаат этувчининг манзилени, мурожаатнинг жўнатилган ва олинган вақтини аниқлаш учун алоҳида сақлаб қўйилиши ҳам мумкин.

Адашиб келиб тушган мурожаатлар, бирга келган конвертнинг илова қилган ҳолда, белгиланган жойга янги конвертларда жўнатилади ёки мурожаат этувчига қайтарилади.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими масъул ходимларига почта, телеграф, қўлда, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларида цензура текширишлари орқали олинган, келиб тушган хатлар кириш китобига белгиланган тартибда қайддан ўтказилади.

Ички ишлар органларига келиб тушган хатлар мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлимида ўша куннинг ўзида қайд қилиниши шарт. Хатнинг биринчи бетига, матндан бўш қолган жойга ички ишлар органининг тўртбурчак муҳри босилади, хат келган кун ва қайд қилинган тартиб рақами ёзиб қўйилади.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарлар эса қаерда ва қачон содир этилганлиги, шунингдек, маълумотнинг тўлиқ ёки тўлиқ эмаслигидан қатъи назар, ички ишлар бўлимига келиб тушиши билан узлуксиз равишда фаолият кўрсатувчи навбатчилик қисми навбатчилари томонидан қабул қилиниши лозим.

Оғзаки ва ёзма мурожаатлар мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими томонидан махсус электрон дастур орқали рўйхатга олиниб, тегишли ички ишлар органи ёки таркибий бўлинмага ижро учун юборилади.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини видео-конференц-алоқа воситасида қабул қилишни ташкил этиш. Жисмоний шахс ва юридик шахсларнинг вакили давлат органи,

ташкilotининг раҳбарига ёхуд уларнинг мансабдор шахсларига видео-конференц-алоқа воситасида мурожаат бериши, олдиндан тасдиқланган махсус ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда видео-конференц-алоқа жадвал орқали амалга оширилади.

Бунинг учун мурожаат этувчи видео-конференц-алоқа ўрнатилган тегишли давлат органи, ташкilotига белгиланган тартибдаги талабнома билан мурожаат қилади. Ариза электрон шаклда берилиши мумкин.

Талабномада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

жисмоний шахс учун – мурожаат этувчининг фамилияси (исми, отасининг исми). Унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар;

юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар;

электрон почта манзили;

алоқа телефони ва/ёки факснинг рақами;

видео-конференц-алоқа ўтказишга қулай сана ва вақт;

муурожаат тили;

муурожаатнинг қисқа мазмуни.

Муурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган муурожаатларга уларнинг вакилларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Видео-конференц-алоқа орқали келиб тушган муурожаатлар келиб тушган пайдан бошлаб бир иш кунидан кечикмай муурожаатлар билан ишлаш бўлинмаси томонидан рўйхатга олиниши ва давлат органи, ташкilotининг раҳбарига киритилиши керак.

Раҳбар талабномани кўриб чиқиб, видео-конференц-алоқа орқали кўриб чиқиш ёки кўриб чиқишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Қабул қилинган қарор, видео-конференц-алоқа орқали муурожаатни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида давлат органи, ташкilotи жисмоний ва юридик шахсларни белгиланган тартибда огоҳлантиради.

Видео-конференц-алоқа орқали муурожаатни қабул қилиш жадвали ўзгарган тақдирда, муурожаатлар билан ишлаш бўлинмаси олдиндан (электрон почта, алоқа телефон ва/ёки факс рақамлари, почта ва бошқалар) орқали огоҳлантириши керак.

Видео-конференц-алоқа орқали келиб тушган муурожаатлар оғзаки муурожаат сифатида белгиланган тартибда қайд этилади, рўйхатга олинади ва кўриб чиқилади.

Ички ишлар органларига келиб тушган муурожаатларни махсус электрон дастур орқали рўйхатга олиш ва ижрога йўналтириш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1-босқич. Ички ишлар органларига почта ва шахсий қабулдан келиб тушган мурожаатлар электрон дастурга киритилади;

2-босқич. Рўйхатга олинган мурожаатлар ижрочиларга тақсимланади;

3-босқич. Ижроси таъминланган мурожаатларнинг натижаси махсус электрон дастурга киритилади.

Қуйидаги мазмундаги мурожаатлар мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлимда рўйхатга олиниши ва махсус электрон дастурга киритилиши мумкин эмас:

жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги;

тайёрланаётган, суиқасд қилинган ёки тамом бўлган жиноят оқибатида бузилган ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ёрдам кўрсатиш ҳақидаги;

айбини бўйнига олиш тўғрисидаги;

фуқаронинг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги;

даволаш муассасалари ходимларининг фуқаролар баданида тан жароҳатлари излари билан мурожаат этиб келган ҳолларда, улар жиноий хатти-ҳаракатлар натижасида етказилган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги;

фуқаролик паспорти, мол-мулки йўқолганлик ҳолати юзасидан мурожаат этилганда жиноят аломатлари мавжудлигига шубҳа уйғотувчи;

ички ишлар органларининг махсус муассасалари (маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхона, аниқ яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш маркази, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази, ушланган ва қамоққа олинган шахсларни вақтинча сақлаш ҳибсхонаси) ёки жазони ижро этиш колонияларида жазо муддатини ўтаётган ва тергов ҳибсхоналарида ушлаб турилган шахс томонидан жиноят содир этганлиги аниқланганлиги ёки жиноят аломатлари мавжуд бўлиши мумкинлиги ҳақидаги;

тайёргарлик кўриляётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги;

авариялар, ёнғинлар, эпидемиялар, эпизоотиялар, табиий офатлар, одамлар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ҳақидаги;

юз берган ҳолатлар бўйича суғурта компанияларининг хатлари;

ички ишлар органлари ходимларининг жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирувчи билдиргилари.

Мурожаатлар автоматлаштирилган электрон ҳужжат айланув дастурида ҳам рўйхатга олиниши мумкин.

Ёзма мурожаат билан шахсан келган мурожаат этувчиларнинг мурожаатлари мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими ходимлари томонидан қабул қилиб олинади.

Ёзма мурожаат, мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки юридик шахс раҳбарининг ёхуд ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини унинг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Амалиётда ёзма шаклдаги мурожаатлар кўпгина ҳолатларда ариза тарзида амалга оширилади. Бироқ ҳар доим ҳам мурожаат ариза шаклида бўлавермайди. Қонунда давлат органларига оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан ҳам мурожаатлар келиб тушиши назарда тутилган бўлиб, ушбу мурожаатларни ҳам белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 322-моддаси биринчи қисми 2 ва 3-бандларида корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар ёки оммавий ахборот воситалари берган хабарлар жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Демак, мурожаат «хабар» мазмунида ҳам бўлиши мумкин.

Ёзма ва электрон (қоғозга босиб чиқарилган) мурожаатларнинг мазмуни жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бўлими томонидан «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қайд этиш варағи»га мурожаатнинг тартиб рақами, мурожаат қилган жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг яшаш жойи, юридик шахснинг номи, унинг манзили, мурожаатнинг қисқача мазмуни, мурожаат қабул қилинган сана, дубликат ёки мурожаатларнинг такрорийлиги, назоратга олинганлиги тўғрисидаги белги, ижрочи этиб белгиланган ички ишлар органи таркибий бўлинмаси номи ва сана кўрсатилган ҳолда ижро этиш тўғрисидаги ёзувлар киритилади. Борди-ю, мурожаат мурожаат этувчининг ишончли вакили томонидан тақдим этилса, рўйхатга мурожаат этувчининг мурожаати ва ишончли вакилнинг мурожаати алоҳида-алоҳида киритилади.

Сўнгра белгиланган шакл бўйича «Жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки мурожаатларини ҳисобга олиш варақаси» тўлдирилади ҳамда мурожаатнинг биринчи саҳифаси куйи ўнг қисмида рўйхатга олиш штамп қўйилади.

Мурожаатларни қабул қилиш, қайд этиш ва рўйхатга олиш жараёнида мурожаат мурожаат этувчининг ишончли вакили томони-

дан тақдим этилаётганлиги кузатилса, у ҳолда мурожаатнинг илова-сида ишончли вакилнинг мурожаат бериш ҳуқуқини амалга ошира олиши тўғрисидаги ишончнома бўлиши талаб этилади.

Жисмоний шахснинг ишончли вакили учун берилган ишончнома маҳаллий бошқарув органлари томонидан тасдиқланса, юридик шахснинг ишончли вакили учун берилган ишончнома эса юридик шахс раҳбарининг имзоси ва юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланмоғи лозим. Агар мурожаат этувчи шахсларнинг ишончли вакили юридик шахс бўлса, у ҳолда уларнинг ушбу ишларни амалга оширишлари белгиланган ўз Уставидан кўчирма илова қилиниши керак.

Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида ташкилий топшириқларни тайёрлаш. Рўйхатга олинган мурожаатлар келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш кунидан кечикмай ички ишлар органининг раҳбарига, унинг ўринбосарига ёки таркибий бўлинма раҳбарига киритилади, у масъул таркибий бўлинмани (ходимни) белгиланган ҳолда мурожаатни кўриб чиқиш бўйича резолюцияни қўяди.

Рўйхатга олинган мурожаатлар Вазирликда – таркибий бўлинма раҳбарига, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида – вазир ва вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларида – бош бошқарма ва бошқарма раҳбари ҳамда уларнинг ўринбосарларига киритилади.

Қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилишини ташкиллаштириш учун Вазирга тақдим этилади:

ички ишлар органлари раҳбар ходимларининг ноўрин хатти-ҳаракатларига оид;

Вазирнинг ўринбосарлари томонидан қабул қилинган қарорлардан норозилик масалаларидаги;

ички ишлар органлари ходимлари томонидан қонун бузилиши билан боғлиқ;

бевосита Вазир томонидан ўтказилган сайёр қабул жараёнида келиб тушган мурожаатлар.

Ички ишлар органлари ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан мурожаатлар ҳамда таркибий бўлинма раҳбарлари томонидан қабул қилинган қарорлардан норозилик тўғрисидаги мурожаатлар Вазир ўринбосарларига тақдим этилади.

Ички ишлар органининг раҳбари мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги ташкилий топшириқлари резолюция ёки алоҳида ишлаб чиқилган ёзма топшириғи кўринишида бериши мумкин.

Резолюция қўйилган вақтдан бошлаб бир иш куни мобайнида мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган таркибий бўлинмага

(ходимга) ёки ижрочига белгиланган шакл¹га мувофиқ мурожаатларни қайд қилиш варағига имзо қўйдирган ҳолда берилади.

Назоратга олинган ҳар қандай мурожаат мазкур мурожаатни назоратга олган раҳбар ёки мансабдор шахс томонидан назоратдан ёки ижродан олинади. Мурожаатни кўриб чиққан ходимнинг мурожаатга алоқадор ҳолатни атрофлича ўрганиб қилган асосли хулосаси ёки қарори, шунингдек бу ҳақда маълумот берувчи билдиргиси ёки маълумотномаси уни назоратдан ёки ижродан олиш учун асос бўлади.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими томонидан ижро учун юборилган мурожаатлар, кўриб чиқиш учун бошқа таркибий бўлинманинг ваколатига тегишли бўлса, ушбу мурожаат мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлимга қайтарилади. Таркибий бўлинма томонидан Вазир ёки Вазир ўринбосарларининг резолюцияси орқали бошқа таркибий бўлинмага юборилиши мумкин эмас.

Келиб тушган мурожаатлар ички ишлар органининг иш юритуви-га қабул қилиниши, бўйсунуш тартибида ички ишлар органининг қуйи бўлинмасига юборилиши ёки тегишлилиги бўйича бошқа давлат органига юборилиши мумкин.

Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган ички ишлар органи ёки таркибий бўлинмага келиб тушган мурожаатлар беш кун муддатдан кечиктирмай ушбу ички ишлар органининг раҳбари ёки таркибий бўлинманинг раҳбари томонидан имзоланган хат билан тегишли органларга юборилади, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд агар электрон манзили бўлса электрон шаклда хабар қилинади.

Мурожаатни кўриб чиқиши учун асоссиз равишда бошқа давлат органига ўтказиш ёки қарори ёхуд ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органга ёки мансабдор шахсга юбориш тақиқланади.

Агар мурожаатда уни тааллуқлилиги бўйича тегишли органга юбориш учун зарур бўлган маълумотлар мавжуд бўлмаса, мурожаат беш кун муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунтириш билан мурожаат қилувчига қайтарилади.

Қуйи орган томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлган мурожаат келиб тушган кунидан бошлаб беш кун муддатдан кечиктирмай хат билан ёки ички ишлар органининг раҳбари ёки таркибий бўлинманинг раҳбари томонидан имзоланган топшириқ билан бирга қуйи

¹ Қаранг: 4-илова.

органга юборилиши, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар берилиши лозим.

Агар мурожаатда бир нечта таркибий бўлинмаларга тегишли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чиқиш бўйича ижро этувчилар этиб белгиланади. Ижро этувчилар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган таркибий бўлинма бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда мурожаат кўриб чиқилишини таъминлайди.

Мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотларни олиш зарурияти юзага келганда мурожаатни кўриб чиқувчи ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахсдан, шунингдек ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органларидан белгиланган тартибда қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин.

Агар мурожаатда жойнинг ўзида ўрганишни талаб этувчи ҳолат баён қилинган бўлса, шунингдек муаммоли масалаларни жойида ҳал этиш зарурияти юзага келган ҳолларда мурожаатни кўриб чиқувчи ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқишни таъминлаши мумкин. Мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқиш ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма раҳбарининг топшириғи ёки унинг розилиги билан амалга оширилади.

Агар мурожаатдаги масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатни кўриб чиқишда иштирок этиш учун ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилади.

Зарур ҳолларда мурожаатларни кўриб чиқиш учун ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма томонидан тегишли мутахассислар жалб этилиши мумкин.

Такрорий мурожаат бевосита мурожаат муаллифи иштирокида кўриб чиқилиб, белгиланган шаклга мувофиқ суҳбат варағи¹ тўлдирилади.

Айни бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилаётган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтга келиб қонун ҳужжатларида белгиланган кўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилинаётган мурожаат – **такрорий мурожаат** ҳисобланади.

¹ Қаранг: 5-илова.

Мурожаатни моҳияти бўйича ўрнатилган тартибда ва белгиланган муддатда кўриб чиқиш ҳамда мурожаат юзасидан тегишли қарор қабул қилиш. Мурожаатни моҳияти бўйича ўрнатилган тартибда ва белгиланган муддатда кўриб чиқиш ҳамда мурожаат юзасидан тегишли қарор қабул қилиш ўрганилаётган босқичлардан энг муҳими саналади. Чунки бу босқичда инсон тақдири ҳал этилади, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарор қабул қилинади. Инсон манфаатлари эса бизнинг мустақил давлатимизда энг олий қадрият сифатида эътироф этилади.

Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари. Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган ички ишлар органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли ички ишлар органи раҳбари томонидан истисно тариқасида, асослантирилган билдирги орқали кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Таклиф ички ишлар органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кун муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

Айрим ҳолларда Вазир ва унинг ўринбосарлари ҳамда ички ишлар органи раҳбари ва унинг ўринбосарлари ёки мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари қисқартиришлари мумкин.

Мурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар ички ишлар органига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар тегишли муддатнинг охири куни дам олиш ва байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

Ички ишлар органларида қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:
аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

Мурожаат кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади, у ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма раҳбари ёхуд унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида мурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

Жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо (электрон рақамли имзо) билан тасдиқланмаган мурожаат **аноним мурожаат** ҳисобланади ва бундай мурожаатлар кўриб чиқилмайди.

Аноним мурожаатлар рўйхатга олинмайди ва кўриб чиқилмайди. Ички ишлар органи ходимининг ноўрин хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги аноним мурожаатлар зарурий чора-тадбирлар белгилашда фойдаланиш учун тегишли таркибий бўлинмага маълумот тариқасида тақдим этилади.

Мурожаатни аноним деб эътироф этиш мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими ёки мурожаатни кўриб чиқувчи таркибий бўлинма томонидан амалга оширилади.

Мурожаат аноним деб эътироф этилганда, бу ҳақда хулоса тузилади. Хулосада мурожаатни аноним деб эътироф этиш учун асослар кўрсатилади. Мурожаатни аноним деб эътироф этиш тўғрисидаги хулоса мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими раҳбари ёки таркибий бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланади.

Вазирлик ишонч телефонига тушган мурожаатлар қонунда ва ушбу низомда назарда тутилган тартибда аноним деб эътироф этилиши мумкин.

Аноним мурожаатлар тегишли ҳужжатлари билан бирга алоҳида йиғма-жилдда сақланади, маълумот ва таҳлил учун уларнинг ҳисоби юритилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар келиб тушганда, мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими ёки таркибий бўлинма уларнинг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжудлигини текширади.

Агар мурожаатда жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, бу ҳақда мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими раҳбари ёки таркибий бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланадиган хулоса тузилади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулоса тасдиқланган вақтдан бошлаб ушбу мурожаат кўриб чиқилмайди ва бу ҳақда мурожаат қилувчи ёзма равишда хабардор қилинади.

Ички ишлар органларида мурожаатларни кўриб чиқиш қўйидаги ҳолларда тугатилади:

агар такрорий мурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўқис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

агар мурожаат қилувчи ўз мурожаатини белгиланган тартибда чақириб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида илтимос қилган бўлса;

яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги туфайли чақириб олишни имкони йўқлиги сабабли мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

чақирилган мурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда, мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли;

агар мурожаат қилувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг мурожаатни кўриб чиқиш ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

Мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида хулоса қилинади ушбу хулоса Вазирликда – Вазир ва Вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида – вазир, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларида – тегишлича бош бошқарма ва бошқарма бошлиқлари томонидан тасдиқланади.

Такрорий мурожаатни кўриб чиқиш тугатилганда «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 82-банди иккинчи хатбошига мувофиқ, мурожаат қилувчи такрорий мурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади. Ёзишмалар олиб бориш

тугатишган муурожаат қилувчидан такрорий муурожаат келиб тушган такдирда, бундай муурожаатни кўриб чиқиш муурожаат қилувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади.

Муурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатишганда муурожаат қилувчига ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма раҳбари ёхуд уларнинг ўринбосарларининг хати билан бирга уч кун ичида қайтарилади. Муурожаатни қайтариб олиш тўғрисидаги ариза қонун бузилишларини аниқлаш ва бар-тараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

Муурожаат қилувчи чақирилган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг келмай қолганлиги сабабли муурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинади.

Муурожаатни жисмоний ёки юридик шахснинг илтимосига кўра кўриб чиққан ички ишлар органи ёки таркибий бўлинманинг масъул ходими муурожаатга жавобни унинг мазмунини ўзгартирмасдан тушунтириши, шунингдек йўл қўйилган хатоларни ўз ташаббусига кўра ёки муурожаат қилувчининг илтимосига кўра, муурожаатга жавобнинг мазмунига дахл қилмаган ҳолда тузатиши шарт.

Муурожаат қилувчининг муурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш тўғрисидаги илтимоси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқилади.

Муурожаатларга жавоблар тайёрлаш ва уларни аризага ёки манфаатдор идорага жўнатиш. Муурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма томонидан тегишли қарор қабул қилинади, бу ҳақда дарҳол ёзма ёхуд электрон шаклда муурожаат қилувчига хабар берилади.

Муурожаат юзасидан юбориладиган жавоб хати ички ишлар органи ёки унинг таркибий бўлинмаси раҳбари томонидан имзоланиб, унда муурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар (заруратга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда) келтириб ўтилиши шарт.

Муурожаатга жавоб хати ички ишлар органи раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Муурожаатга жавоб хати, муурожаат этилган тилда баён қилинади.

Жисмоний ёки юридик шахслар жамоа бўлиб муурожаат қилган такдирда, уларнинг муурожаатлари қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилади. Бунда муурожаатга жавоб муурожаат қилганларнинг рўйхатида биринчи бўлиб кўрсатилган шахсга ёки уларнинг талабига кўра, бошқа шахсга юборилади.

Мурожаат ва унда кўтарилган барча масалалар қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ҳамда мурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда кўриб чиқилган ҳисобланади.

Мурожаат қилувчига жавоб юборилган кун мурожаатни кўриб чиқиш тугалланган кун ҳисобланади, бу ҳақда мурожаатларни қайд қилиш варақасига белги қўйилади.

Агар мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, ушбу мурожаат аввал тушган мурожаат билан биргалликда кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича ягона жавоб берилади.

Айни бир жисмоний ёки юридик шахс мурожаатининг кўчирма нусхаси – **мурожаатнинг дубликати** дейилади.

Агар мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилган ва жавоб юборилгандан кейин келиб тушса, у ҳолда ички ишлар органи мурожаат қилувчини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади. Мурожаатнинг дубликатини махсус электрон дастур орқали қайта рўйхатга олиш талаб этилмайди.

Оммавий қабуллар вақтида ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма раҳбарига ва бошқа масъул ходимларга келиб тушган ҳамда жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларга ёзма жавоб ёки электрон шаклдаги жавоб талаб этилмайди.

Мурожаатларнинг турларига киритилмаган хатлар (ташаккурномалар, табрикномалар, таклифномалар, фикр-мулоҳазалар) тегишли ички ишлар органи ёки таркибий бўлинмага юборилади ва уларни мурожаат сифатида рўйхатга олиш талаб этилмайди.

Юқори ички ишлар органининг назоратида турган мурожаат бўйича уни кўриб чиққан ички ишлар органи мурожаат қилувчига юборилган жавоб хатининг нусхасини илова қилган ҳолда мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида юқори ички ишлар органига ёзма шаклда ахборот беради.

Кўриб чиқилган мурожаатлар уларни кўриб чиқишга доир ҳужжатлар билан бирга хронологик тартибда йиғмажилдга тикилиб канцелярияга топширилади ва белгиланган тартибда сақланади.

Мурожаатни мурожаат қилган ёки бошқа шахснинг иштирокисиз кўриб чиқишнинг имконияти бўлмаса, мурожаат этувчи ички ишлар органининг мансабдор шахси томонидан чақиртирилиши мумкин. Чақирувга биноан келмаган мурожаат этувчига ички ишлар органининг мансабдор шахси мурожаатни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин эмаслиги бўйича жавоб хати юборади.

6-§. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛИШНИ МОНИТОРИНГ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ, УМУМЛАШТИРИШ ҲАМДА ТАҲЛИЛИНИ ОЛИБ БОРИШ

Ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма раҳбарлари ўз тузилмавий бўлинмалари томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилиши юзасидан доимий мониторинг ва назоратни амалга оширади, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўради.

Назоратга олинган мурожаат бўйича ички ишлар органларининг мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими томонидан белиланган тартибга мувофиқ назорат варағи юритилади¹ ҳамда ушбу мурожаатни назоратга олган раҳбар томонидан назорат ва ижродан олинади.

Вазир томонидан назоратга олинган мурожаатларни кўриб чиқиш якуни юзасидан тайёрланган хулоса соҳавий йўналиш бўйича Вазир ўринбосари томонидан тасдиқлангандан сўнг белгиланган тартибга мувофиқ шаклдаги жадвал² билан бирга, Вазирга ахборот бериш ҳамда назоратдан олиш учун мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлимига тақдим этилади.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими ҳар бир мурожаат бўйича тўпланган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, уни назоратдан олиш асосли деб топган тақдирда Ички ишлар вазирига ахборот беради.

Ички ишлар вазири томонидан назоратга олинган мурожаатни кўриб чиқиш якуни бўйича тайёрланган хулосада мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар келтирилмаган тақдирда, мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими томонидан ушбу мурожаат тўлиқ кўриб чиқилмаган деб топилади ва унинг ижросига масъул бўлган таркибий бўлинмага қайтарилади.

Оралиқ жавоблар берилган ва тўлиқ кўриб чиқилмаган мурожаатлар ижродан ёки назоратдан олинмайди.

Ички ишлар органларининг мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими мурожаатлар кўриб чиқилишини доимий назорат қилади ва унинг мониторингини олиб боради. Мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради.

¹ Қаранг: 6-илова.

² Қаранг: 7-илова.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими мурожаатни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби бузилаётган ҳолларда, бу ҳақда тегишли таркибий бўлинма ёки ички ишлар органи раҳбарини дарҳол хабардор қилади.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими томонидан ички ишлар органи ва таркибий бўлинмаларга мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартибининг бузилиши юзасидан тақдимнома киритилади. Киритилган ҳар бир тақдимнома бўйича айбдор ходимларни аниқлаш ва жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун хизмат текшируви ўтказилиши ва натижаси бўйича мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлимига ёзма ахборот берилиши шарт.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими мониторинг натижалари бўйича ҳар ой ички ишлар органи раҳбарига мурожаатлар кўриб чиқилишининг аҳволи тўғрисидаги ахборотни, зарурият бўлганда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган ички ишлар органи ходимларига нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан таклифлар билан биргаликда тақдим этади.

Зарур ҳолларда мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими таркибий бўлинмалардан мурожаатни ҳамда ушбу мурожаат бўйича тўпланган материаллар ёки маълумотларни талаб қилиб олади ва натижаси бўйича раҳбариятга тегишли чоралар кўриш бўйича таклифлар киритади.

Ички ишлар органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлатнинг манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ҳар ойда мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилишни таъминлайди.

Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра тузилган маълумотномалар (шарҳлар) вазирликнинг тегишли расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Таҳлил натижалари бўйича мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими ички ишлар органи раҳбарига мурожаатларни кўриб чиқишнинг қонунийлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлатнинг манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади.

Рўйхатга олинган мурожаатларни таҳлил қилиш белгиланган шакл¹-даги ҳисоботлар асосида амалга оширилади. Мурожаатлар билан ишлаш соҳасида қўйилаётган талаблардан келиб чиқиб, мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлими раҳбари томонидан ушбу ҳисобот шаклларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Таҳлил ишлари ҳар ойнинг 30-санасига қадар якунланиб, ҳисобот тайёрланади ҳамда мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлимига ёзма ва электрон шаклларда тақдим этилади.

Ички ишлар органлари ва таркибий бўлинмаларида мурожаатларни рўйхатга олиш, уларни кўриб чиқиш, кўтарилган масалалар юзасидан тегишли қарорларни қабул қилиш ишлари амалдаги қонун ҳужжатларига ва «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом»ига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Мурожаатлар билан ишлаш бўйича доимий комиссия (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) тузилади.

Комиссия таркибига раҳбар, раҳбарнинг ўринбосари, аъзолар ва котиб киради. Комиссия таркиби офицер ходимлардан иборат бўлиши лозим.

Комиссияга Ички ишлар вазирлигида таркибий бўлинма бошлиғининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида – вазир ўринбосари – Кадрлар бошқармаси бошлиғи, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларида – бош бошқарма ва бошқарма бошлиғининг ўринбосари – Кадрлар бошқармаси бошлиғи, туман-шаҳар ички ишлар органларига

¹ Рўйхатга олинган мурожаатларни таҳлил қилиш бўйича қуйидаги шакллардаги жадваллар юритилади:

– 20__ ва 20__ йилларнинг __ ойида _____га жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган ва назоратга олинган мурожаатлари юзасидан таҳлилий-ҳисобот (қаранг: 8-илова 1-жадвал);

– 20__ ва 20__ йилларнинг __ ойида ички ишлар органларига жисмоний ва юридик шахслардан тушган мурожаатларнинг масалалар ва вилоятлар бўйича таққослама таҳлили (қаранг: 8-илова 2-жадвал);

– 20__ ва 20__ йилларнинг __ ойида ички ишлар органларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари орқали келиб тушган мурожаатлар тўғрисида маълумот (қаранг: 8-илова 3-жадвал);

– 20__ ва 20__ йилларнинг __ ойида ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда раҳбар ва масъул ходимлар томонидан камчиликлар ва қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги учун жавобгарликка тортилганлик тўғрисида маълумот (қаранг: 8-илова 4-жадвал).

– туман-шаҳар ички ишлар органининг бошлиғининг кадр масалалари бўйича ўринбосари раҳбарлик қилади.

Доимий комиссия фаолияти ички ишлар органи ва таркибий бўлинма раҳбари томонидан назорат қилинади.

Комиссия:

ички ишлар органи ёки таркибий бўлинма ходимлари томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини, шунингдек ички ишлар органлари ходимлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишлари тўғрисидаги шикоятларнинг кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини мониторинг қилади;

мурожаатлар билан ишлаш соҳасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаш тўғрисида таклифлар киритади;

мурожаатларнинг кўриб чиқилиши натижалари тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида чоп этилишини ташкил этади;

ички ишлар органлари ходимлари томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби бузилиши ҳолатлари аниқланганда, айбдор ходимларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритади;

мурожаатларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва бартараф қилиш бўйича ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этади;

соҳадаги ишларни яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлайди.

Комиссия ўз фаолиятини тасдиқланган режага мувофиқ амалга оширади ва мажлисларини заруриятга кўра, бироқ ҳар чоракда камида бир марта ўтказиши мумкин. Комиссия раҳбари томонидан комиссия аъзоларининг навбатдан ташқари мажлис ўтказиш учун сабаблари ва асослари баён қилинган ёзма илтимосига асосан навбатдан ташқари мажлис чақирилиши мумкин.

Комиссия мажлисини унинг раҳбари олиб боради. Комиссия раҳбари бўлмаган тақдирда, мажлисни раҳбар ўринбосари бошқаради.

Комиссия котиби:

комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

кун тартибидаги масалалар бўйича комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил қилади;

комиссия раҳбари билан мажлис ўтказиш муддатлари ва жойини, шунингдек унга таклиф этиладиганлар рўйхатини келишади;

комиссия аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни мажлиснинг ўтказиладиган санаси, вақти, жойи тўғрисида хабардор қилади;

комиссия қарорлари ижроси устидан мониторинг олиб боради ва унинг натижаларини кўриб чиқиш учун комиссиянинг мажлисига тақдим этади;

комиссия мажлисларининг баённомаларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённомаларни комиссия аъзолари ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборади.

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан:

мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг қонунга хилоф равишда рад этилиши;

уларни кўриб чиқиш муддатларининг узрли сабабларсиз бузилиши; ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслиги;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиниши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлиги;

жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этилиши;

жисмоний ва юридик шахсни мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун таъқиб қилиниши, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартибини бузганликлари учун жавобгарликка тортилган ходимлар тўғрисидаги белгиланган шаклга мувофиқ маълумотнома¹ тузилади ва ҳар ой мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлимга ҳисоботлар билан бирга тақдим этиб борилади.

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига тўғрисида»ги қонун ва «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом» талабларига риоя этилишини таъминлаш учун жавобгарлик таркибий бўлинма ва ички ишлар органлари раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарларига юкланади.

Мурожаатларни кўриб чиқишда ички ишлар органлари ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

¹ Қаранг: 9-илова.

мурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

мурожаат қилувчи ёки бошқа шахснинг иштирокисиз мурожаатни кўриб чиқиш мумкин бўлмаганда ёхуд эшитиш учун уни чақириш;

била туриб ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаатни текшириш сабабли етказилган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга мурожаат қилиш.

Ички ишлар органлари ходимлари:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

мурожаат қилувчига унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини, агар улар давлат сири ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир бўлган маълумотларни ўз ичига олмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, таъминлаши;

мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда дарҳол хабар қилиши, оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал қилинган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш вақтида юқори билим, касбий маҳорат ва ҳуқуқий тайёргарликни намоён этиш, муомала маданиятига риоя этиш, уларнинг муаммоларини тўлиқ тинглаш ва қайд этиш;

мурожаат юзасидан қабул қилинган қарор устидан, агар жисмоний ёки юридик шахс ушбу қарордан рози бўлмаса, шикоят бериш тартибини тушунтириши;

мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиши;

қонунга хилоф ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бартараф этиш юзасидан дарҳол чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниқлаши;

жисмоний ва юридик шахслар ҳамда уларнинг вакиллари ва оила аъзолари уларнинг мурожаатлари сабабли таъқиб этилишини белгиланган тартибда бартараф этиши;

мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этмаслиги;

мурожаат қилувчидан мурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни талаб қилмаслиги;

жисмоний шахснинг илтимосига кўра унинг шахсига доир маълумотларни сир сақлаши;

агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўриши шарт.

7-§. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ЖИНОЯТ ВА ХОДИСАЛАРГА ОИД АРИЗАЛАР, ХАБАРЛАР ҲАМДА БОШҚА МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, РЎЙХАТГА ОЛИШ, КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларнинг мазмуни. Ички ишлар органларига келиб тушган жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотлар мазмун ва шакл жиҳатидан мурожаат ҳисобланса-да, аммо мурожаатларнинг амалдаги турлари уларни тўлиқ қамраб ололмайди. Гарчи жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар мурожаатнинг ариза кўринишига ўхшаш бўлса-да, бироқ у мазмунан ўзига хосликка эга.

Чунончи, *жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза* деганда, жисмоний шахс ёки юридик шахснинг вакили тайёрланаётган, суиқасд қилинган ёки тамом бўлган жиноят оқибатида бузилган ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ёрдам кўрсатишни сўраб, ички ишлар органига жиноят ва ҳодисалар тўғрисида баён этган мурожаатлари тушунилса-да, аммо ушбу аризаларга айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз ёки ариза берувчининг ўзи содир этган жинояти ҳақида гумон қилинмасдан ва унга айб эълон қилинмасдан олдин берган хабарлари ҳам киради.

Жисмоний шахс ёки юридик шахснинг вакили жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ҳамда бошқа маълумотларни оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда беришлари мумкин. Оғзаки, ёзма ва электрон кўринишдаги мурожаатлар бир хил аҳамиятга эга.

Ички ишлар органларига жиноят ва ҳодисаларга оид ариза ва хабарлар билан, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ўз навбатида, «ҳодиса», «хабар» ва «бошқа маълумотлар» тушунчаларига ойдинлик киритиш талаб этилади.

Ҳодиса – табиий ва техноген офатлар, авариялар, инсонлар билан боғлиқ бахтсиз ҳолатлар, эпидемия, эпизоотия, ёнғинлар, фуқароларнинг бедарак йўқолиши, фуқароларнинг ёрдамга муҳтож ҳолатда топилиши ва бошқа терговга қадар текширув ҳаракатларини ўтказиш талаб этадиган воқеалар.

Хабар – жисмоний шахс ёки юридик шахснинг (корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси) ваколатли мансабдор шахси ёки

оммавий ахборот воситаларининг жиноят содир этишга тайёргарлик кўрилатган, суиқасд қилинаётган ҳамда тамом бўлган жиноят ва ҳодиса ҳақида берган ахборотларига доир мурожаатлар.

Оммавий ахборот воситаларининг хабарлари:

– матбуот (газета, журнал, ахборотнома, бюллетен ва бошқалар) да чоп этилган;

– электрон тарзда (радио эшиттириш, телекўрсатув орқали видео ёки кинохроникал дастурларда) намоиш этилган;

– умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари (Интернет веб-сайтлар) орқали берилган, шунингдек оммавий ахборот воситаларига йўлланган, лекин эълон қилинмаган хатлардаги жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарлар.

Бошқа маълумотлар – жиноят иши кўзғатишга сабаб бўлмайдиган, бироқ жиноят аломатлари бор ёки йўқлигини аниқлаш учун терговга қадар текширув ўтказиш талаб қилинадиган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарлар.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги бошқа маълумотлар қуйидагилардан иборат:

а) жисмоний ва юридик шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан телефон, телефакс ёки бошқа алоқа техника воситалари орқали берган хабарлари;

б) даволаш муассасалари ходимларининг – фуқаролар баданида тан жароҳати излари билан мурожаат этиб келган ҳолларда, жиноий хатти-ҳаракатлар натижасида етказилган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги хабарлари;

в) ички ишлар органларининг махсус муассасалари (маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш махсус қабулхонаси, аниқ яшаш жойи ва машғулот турига эга бўлмаган шахсларни реабилитация этиш маркази, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази, ушланган ва қамоққа олинган шахсларни вақтинча сақлаш ҳибсхонаси) ёки жазони ижро этиш колонияларида жазо муддатини ўтаётган ва тергов ҳибсхоналарида ушлаб турилган шахс томонидан жиноят содир этганлиги аниқланганлиги ёки жиноят аломатлари мавжуд бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги хабарлари;

г) хорижга чиқиш-келиш ва фуқарорликни расмийлаштириш хизмати ходимларининг – фуқаролик паспорт йўқолганлик ҳолати юзасидан мурожаат этилганида жиноят аломатлари мавжудлигига шубҳа уйғотувчи хабарлари;

д) Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг – йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатлари ҳақидаги хабарлари;

е) Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, туманлараро рўйхатга олиш-имтиҳон бўлими ходимларининг – фуқароларнинг автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалари, транспорт воситаларининг техник паспортлари ва давлат рақам белгилари йўқотилганлиги ҳақида берган аризалари бўйича жиноятга шубҳа туғдирувчи ҳолатлар мавжудлиги ҳақидаги хабарлари;

ё) кўриқлаш хизмати ходимларининг – кўриқлаш сигнализация ускуналарининг ишлаб кетиши тўғрисидаги хабарлари;

ж) ёнғин хавфсизлиги ходимларининг – ёнғинлар ва ўзганинг мулкни қасдан ўт кўйиш орқали нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш ҳолатлари тўғрисидаги хабарлари;

з) матбуот, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет тармоғида эълон қилинган жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги хат-хабарлар;

и) юз берган ҳолатлар бўйича суғурта компанияларининг хатлари;

й) тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ воқеа ва ҳодисалар тўғрисидаги хабарлар;

к) авариялар, ёнғинлар, эпидемиялар, эпизоотиялар, табиий офатлар, одамлар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар;

л) ички ишлар органлари ходимлари томонидан бевосита фош этилган жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирувчи билдиргилари ҳисобланади.

Бошқа алоқа техника воситалари орқали келиб тушган хабарлар – мурожаат этувчи шахс, жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни телефон, телефакс, телефонограмма, телеграмма, радиogramма шаклида ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (mu.gov.uz) ҳамда Ички ишлар вазирлигининг Интернет тармоғидаги веб-сайти (mvd.uz) орқали ички ишлар органларига тақдим этган хабарлар.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва маълумотларни бериш муддатлари қоида тариқасида белгиланмайди.

Ички ишлар органларига келиб тушган жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги мурожаатлар (хабарлар) мазмунига кўра уч турга бўлинади:

1) жиноят-процессуал қонунига мувофиқ жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўладиган ҳолатлар;

2) текширув якуни бўйича келиб тушган хабар жиноят ҳақида эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ҳолатлар;

3) жиноят ва ҳодисалар билан боғлиқ бўлмаган бошқа мурожаатлар.

Жиноят-процессуал қонунчилигига асосан жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўладиган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза ва хабарларга қуйидагилар киради:

– *оғзаки равишдаги ариза* – аризачи биладуриб ёлфон хабар берганлик ҳақида жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилиб, расмийлаштирилган ва имзоланган баённома;

– *ёзма равишдаги ариза* – мурожаат этувчининг анкета маълумотлари, яшаш ва иш жойи тўғрисидаги ахборотлар тўлиқ акс эттирилиб, расмийлаштирилган мурожаат;

– телефон, телефакс, телефонограмма, телеграмма, радиофамма шаклида ёки Интернет тармоғи орқали ички ишлар органларига такдим этилган хат-хабарлар;

– фуқаронинг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги ариза ва хабарлар;

– корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг ёзма хабарлари;

– шахс ўзи содир этган шикоят юзасидан айбини бўйнига олиш ҳақидаги ёзма равишда берган арзи ёки ўрнатилган тартибда оғзаки равишда берган арзи расмийлаштирилган баённома.

Демак, жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноят ва ҳодисаларга оид аризалари, хабарлари ва бошқа маълумотлари мурожаат мазмунига эга ҳисобланади. Шу тариқа **жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаат** деб, Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигида ўрнатилган процессуал қоидаларга биноан терговга қадар текширув ёки дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришни тақозо этувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноят ва ҳодисаларга оид аризалари, хабарлари ва бошқа маълумотлари тушунилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларига қўйиладиган талаблар.

Жисмоний ва юридик шахс ёки уларнинг вакили берган мурожаатларида фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, жиноят ва ҳодисанинг содир этилган жойи, санаси, вақти, тафсилоти, ўзига хос хусусиятлари ҳамда етказилган моддий зарарнинг миқдори ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топиши лозим.

Мурожаат ёзма равишда такдим этилганда, жисмоний шахс ёки юридик шахс ваколатли раҳбарининг имзоси билан тасдиқланади.

Агар, жисмоний шахс ёзма мурожаатини имзоси билан тасдиқлашнинг имкони бўлмаса, унинг мурожаатини ёзиб берган шахснинг фамилияси, исм-шарифи кўрсатилиб, имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Ички ишлар вазирлигининг веб-сайти орқали электрон шаклда келиб тушган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатлар ҳам белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Аноним мурожаатлар ички ишлар органларида рўйхатга олинмайди, кўриб чиқилмайди ҳамда суриштирув ва тергов органлари учун жиноят ишини кўзғатишга асос бўлмайди. Тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақидаги аноним маълумотлар келиб тушганда тезкор хизматларга жиноятларнинг олдини олиш, фош этиш ва очишда фойдаланишлари учун маълумот-ахборот тариқасида тақдим этилади.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатлар терговга қадар текширув ва дастлабки тергов жараёнида тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқилиши, текширилиши, тўпланган далилларнинг ишга алоқаси бор-йўқлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назардан баҳоланиши лозим.

Жисмоний шахс ёки юридик шахс ўз вакили орқали мурожаат этганда, вакилига билдирилган ишончнома ва унинг шахсига оид ҳужжатлар илова қилиниши керак.

Жисмоний ва юридик шахслар ёки уларнинг вакиллари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) жиноят ва ҳодиса ҳақида давлат тилида, ўзи биладиган тилда ҳамда бошқа шу ҳудудда кўпчилик сўзлашадиган тилда ёки таржимон хизматидан фойдаланиб, ички ишлар органларига мурожаат этишга;

б) ариза ва хабари бўйича қабул қилинган қарор натижалари юзасидан маълумот олишга;

в) ички ишлар органи мансабдор шахсининг жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ички ишлар органи бошлиғига, юқори турувчи ички ишлар, прокуратура ёки тегишли ҳокимият органларига ва бошқа ваколатли ташкилот ва муассасаларга шикоят қилишга ҳақли.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатлар билан ишлашда ички ишлар органларининг вазифалари ва мажбуриятлари. Ички ишлар органлари жисмоний ва юридик шахсларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, уларнинг жиноят ва ҳодисалар ҳақида берган мурожаатларини, шунингдек авариялар, инсонлар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар, эпидемия, эпизоотия, ёнғинлар, фуқароларнинг бедарак йўқолиши, табиий офатлар ҳамда жамоат тартибини сақлашда

юз берган ҳодисалар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқишга мажбур ҳисобланадилар.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатлар билан ишлашга доир ички ишлар органларининг идоравий ҳужжатлари талаблари қуйидаги хизматлар ва уларнинг мансабдор шахсларига тааллуқли ҳисобланади:

- суриштирув органларининг суриштирувчилари;
- дастлабки тергов органларининг терговчилари;
- тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи тезкор хизматларининг ходимлари.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўрнатилган тартибда жиноят ҳақидаги хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва текширувни ўтказишга ваколатли бошқа мансабдор шахсларга ҳам тааллуқлидир.

Ички ишлар органлари жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритишда қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

а) жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларини қабул қилиш, рўйхатга олиш ва қонуний кўриб чиқиш учун зарур шарт-шароитлар ва қулайликларни яратиш;

б) жисмоний ва юридик шахс ёки уларнинг вакиллари бевосита жиноят ва ҳодисалар ҳақида мурожаат қилганларида, уларни қабул қилиш давомида юқори билим, касбий маҳорат ва ҳуқуқий тайёргарликни намоён этиш, муомала ва касб маданиятига риоя этиш, жиноят ёки ҳодисанинг тафсилотини тўлиқ тинглаш ва қайд этиш;

в) мурожаатларни ўз вақтида рўйхатга олиш, иш юритиш тартиб-қоидаларига риоя этиш, ҳисобга олинган ҳар бир ҳолатни белгиланган муддатларда мазмунан кўриб чиқиш;

г) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мурожаат этувчининг камситилишига йўл қўймаслик, уларнинг ҳаёти ва соғлиғининг ҳимоя қилинишини кафолатлаш ҳамда шахсий хавфсизлигини таъминлаш;

д) мурожаатларни кўриб чиқиш вақтида фуқароларнинг турмуш тарзи ва шахсий ҳаётига оид маълум бўлган маълумотларни сир сақлаш, мурожаат этган шахсга, унинг вакилига, оила аъзоларига нисбатан зўравонлик ёки ҳаёти ва соғлиғига таъқиб қилиш билан боғлиқ ҳаракатларга барҳам бериш чораларини кўради.

Шунингдек, ички ишлар органларининг мансабдор шахслари, жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги муурожаат этиш ҳуқуқларини таъминлашда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш ёки давлат ва жамият манфаатларига зарар етказмасликлари лозим.

Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги муурожаатлар билан боғлиқ рўйхатга олиш ҳужжатларини юритиш. Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги муурожаатларни рўйхатга олиш деганда, келиб тушган ҳар бир жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ёки бошқа маълумотлар тўғрисидаги ахборотларни рўйхатга олиш ҳужжатларида қайд этиш, тартиб рақам бериш ҳамда рўйхатга олинганлиги тўғрисида муҳр (штамп) билан тасдиқлаш билан боғлиқ ҳаракатлар тушунилади.

Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги муурожаатларни рўйхатга олиш ҳужжатлари:

а) жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарларни ҳисобга олиш 1-шакл китоб (бундан буён матнда 1-шакл китоби деб юритилади);

б) ички ишлар органларига телефон, телефакс, телефонограмма, телеграмма, радиogramма шаклида ҳамда кўриқлаш ва ёнғин сигнализация ускуналарининг ишлаб кетиши ҳамда ҳодисалар ҳақидаги бошқа сигналларга оид келиб тушган маълумотларни ҳисобга олиш 2-шакл журнал (бундан буён матнда 2-шакл журнали деб юритилади);

в) жиноят ва ҳодисаларни рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги билдирув талони китобчаси (бундан буён матнда билдирув талони деб юритилади);

г) жиноят иши кўзғатишни рад қилиш қарори тўғрисидаги материалларни ҳисобга олиш журнали.

Ички ишлар органларига келиб тушган ҳар бир жиноят ва ҳодиса қачон, қаерда содир этилгани, уни содир этган шахслар аниқланган ёки аниқланмаганидан қатъи назар «Жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳисобга олиш» **1-шакл китобида** рўйхатга олинади.

Китобнинг тўғри юритилиши бўйича шахсий жавобгарлик шу сутка давомида навбатчиликда бўлган ички ишлар органи навбатчиси зиммасига юклатилади.

Ички ишлар органи ва муассаса навбатчиси деганда, навбатчилик сменаси бошлиғи, тезкор навбатчиси, катта инспектор-навбатчиси, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлигининг Ахборот-диспетчерлик хизмати, Ёнғин хавфсизлигининг марказий ва қисм диспетчерлик хизмати радиоалоқачилари, саф бўлинмаларининг инспектор-навбат-

чиси, соҳавий хизматлардаги штат бирликларидан ташқари навбатчи ходим, жазони ижро этиш муассасаси ва тергов ҳибсхонаси бошлиғининг ёрдамчиси-тезкор навбатчиси, Қоровул кўшинлари бош бошқармаси ва ҳарбий қисмлари навбатчиси, таълим муассасаларидаги навбатчилар тушунилади.

1-шакл китобида қуйидаги маълумотлар жамланади, яъни унинг:

биринчи устунида – келиб тушган ҳар бир мурожаатнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги тартиб рақами;

иккинчи устунида – жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларнинг келиб тушган санаси ва вақти;

учинчи устунида – жиноят ҳақида хабар берган жисмоний ва юридик шахс ёки уларнинг вакили тўғрисидаги анкета маълумотлари, мурожаат этувчининг манзили, телефон рақами. Билдирув талонининг қайд этилган рақами;

тўртинчи устунида – содир этилган жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарнинг қисқача мазмуни, вақти, жойи, тафсилоти ва ўзига хос хусусиятлари, дастлаб ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида кўрсатилган моддаси билан квалификация қилинганлиги;

бешинчи устунида – ариза ва хабар юзасидан кўрилган чоралар, тергов-тезкор гуруҳининг воқеа жойига чиқилганлиги ва вақти, олинган ашёвий далилларнинг номи;

олтинчи устунида – ариза ва хабарни кўриб чиқиш учун ички ишлар органи бошлиғи сипориши билан қачон, кимга ижро учун топширилганлиги;

еттинчи устунида – ариза ва хабарни ижро этиш учун олган ходимнинг имзоси, санаси ва вақти;

саккизинчи устунида – ариза ва хабарни текшириш натижалари: кўзғатилган жиноят ишининг рақами, жиноят иши кўзғатишни рад этиш қарорининг чиқарилган санаси, қайд этиш рақами, ҳудудийлик ёки терговга тааллуқлилиги бўйича дастлабки суриштирув материаллари қайси идорага юборилганлиги ҳамда хатнинг чиқиш рақами кўрсатилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қодалар 1-шакл китобининг бош варағи орқа томонига эслатма сифатида чоп этиб, фойдаланилади.

Ички ишлар органларига келиб тушган телефон, телефакс, телефонограмма, радиogramма ва бошқа алоқа техника воситалари ҳамда кўриқлаш ва ёнғин сигнализацияси ускуналарининг ишлаб кетиши, шунингдек ҳодисалар ҳақидаги бошқа сигналларга оид маълумотлар ички ишлар органида ягона ҳисобланган **2-шакл журналида** рўйхатга олинади.

Журнални юритишнинг тўғрилиги учун шахсий жавобгарлик ички ишлар органи навбатчиси зиммасига юклатилади.

Мазкур журнал ўзида қуйидаги маълумотларни жамлайди, яъни унинг:

биринчи устунида – келиб тушган ҳар бир хабарнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги тартиб рақами;

иккинчи устунида – маълумот келиб тушган санаси ва вақти;

учинчи устунида – хабар берувчи жисмоний ва юридик шахс ёки уларнинг вакили тўғрисидаги анкета маълумотлари, манзили, телефон рақами, диспетчер навбатчининг фамилия, исм-шарифи;

тўртинчи устунида – хабарнинг қисқача мазмуни, вақти, жойи, тафсилоти ва ўзига хос хусусиятлари;

бешинчи устунида – келиб тушган хабар юзасидан навбатчи томонидан кўрилган чоралар, кўриб чиқиш учун ички ишлар органи бошлиғи сипориши билан қачон, кимга ижрога топширилганлиги, тергов-тезкор гуруҳининг воқеа жойига чиқилганлиги ва вақти, олинган ашёвий далилларнинг номи;

олтинчи устунида – хабарни текшириш натижалари: қўзғатилган жиноят ишининг рақами, жиноят иши қўзғатишни рад этиш қарорининг чиқарилган санаси, қайд этиш рақами, ҳудудийлик ёки терговга тааллуқлилиги бўйича дастлабки суриштирув материаллари қайси идорага юборилганлиги ҳамда хатнинг чиқиш рақами кўрсатилади;

еттинчи устунида – қонунда белгиланган тартибда ариза, хат-хабар келиб тушганлиги ва жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳисобга олиш 1-шакл китобига кўчирилган санаси;

саккизинчи устунида – тасдиқланган хат-хабардаги маълумот бўйича текширувни олиб борган мансабдор шахс ёки ички ишлар органи навбатчисининг муносабат белгилари, юборилган ишларни тааллуқлилиги бўйича чиқиш рақами ва санаси кўрсатилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қоидалар 2-шакл журналининг бош варағи орқа томонига эслатма сифатида чоп этиб фойдаланилади.

1-шакл китоб ҳамда 2-шакл журнали ички ишлар органида беш йил сақланади, сўнг далолатнома асосида йўқ қилинади.

Аризачи бевосита ички ишлар органига жиноят ва ҳодисалар ҳақида ёзма ёки оғзаки равишда мурожаат қилганда, ички ишлар органининг тезкор навбатчиси ёки шундай вазифа юклатилган бошқа мансабдор шахс қабул қилиб олган ариза юзасидан билдирув талони бериши шарт.

Аризачининг жиноят ва ҳодисаларга оид аризаларини қабул қилиш ваколатига эга ички ишлар органининг мансабдор шахслари

томонидан ўрнатилган тартибда қабул қилиниб, рўйхатга олингани устидан назорат олиб бориш билдирув талони орқали амалга оширилади.

Билдирув талони икки қисмдан – бир хил қайд рақамига эга бўлган қирқиб олинадиган варақ ва унинг иккинчи бўлак варағидан иборат.

Қирқиб олинадиган варақда, ариза ёки хабар олинган сана, уни қабул қилган мансабдор шахснинг фамилияси, аризачи ҳақидаги маълумотлар қайд этилиб, ушбу варақ аризачига тақдим этилади.

Ички ишлар органининг навбатчилик қисмида қоладиган, билдирув талонининг иккинчи бўлагида аризачи ҳақидаги маълумот, ариза қабул қилинган сана ва рўйхатга олинган рақам, ҳолатнинг қисқача мазмуни акс эттирилади. Аризачи билдирув талонининг иккинчи бўлак варағига имзо қўйиб, сана ва вақтини кўрсатиб ўтиши керак.

Билдирув талони китобча шаклида саҳифаланади ва ички ишлар органининг навбатчилик қисмида сақланиб, жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни қабул қилиш вазифаси юклатилган навбатчи томонидан юритиб борилади.

Билдирув талонларининг иккинчи бўлаги жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни қайд этишнинг тўлиқлигини, бундай маълумотларни қабул қилиш вазифаси юклатилган мансабдор шахсларнинг иш фаолиятини баҳолашда, улар устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш чоғида солиштириб текширишда фойдаланилади.

Фойдаланиб бўлинган билдирув талонлари китобчаси ички ишлар органининг котибиятига топширилади ва икки йил сақланганидан кейин далолатнома асосида йўқ қилинади.

Ички ишлар органига жиноят ва ҳодиса ҳақида келиб тушган ариза, хабар ва бошқа маълумотлар юзасидан ўтказилган терговга қадар текширув натижаларига кўра, Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жиноят иши кўзғатишга сабаб бўлмайдиган материаллар «Жиноят иши кўзғатишни рад қилиш қарори тўғрисидаги материалларни ҳисобга олиш» журналида рўйхатга олинади.

Жиноят иши кўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги материаллар ҳисобини тўғри юритилиши учун шахсий жавобгарлик шахар, туман, тармок ИИБнинг ҳисоб-қайд этиш ишлари учун масъул бўлган ходим (бундан бўён матнда ҳисоб-қайд этиш ходими деб юритилади) зиммасига юклатилади.

Жиноят иши кўзғатишни рад этиш тўғрисидаги материаллар журналда йил бошидан ўсиб борувчи тартиб рақам билан қайд этилиб, рўйхатга қўйилади.

Мазкур журнал ўзида қуйидаги маълумотларни жамлайди, яъни унинг:

биринчи устунида – келиб тушган ҳар бир хабарнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги тартиб рақами;

иккинчи устунида – жиноят ва ҳодислар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни рўйхатга олиш рақами ва санаси;

учинчи устунида – жисмоний ва юридик шахс ёки уларнинг вакилларининг фамилияси, исм-шарифи, ариза, хабар ва бошқа маълумотлар келиб тушган манзили;

тўртинчи устунида – воқеанинг қисқача мазмуни, вақти, тафсилоти ва ўзига хос хусусиятлари;

бешинчи устунида – жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қабул қилинган қарорнинг санаси;

олтинчи устунида – жиноят иши қўзғатишни рад этиш асослари, Жиноят-процессуал кодексининг моддалари;

еттинчи устунида – қарор қабул қилган мансабдор шахснинг лавозими, фамилияси, исм-шарифи;

саккизинчи устунида – қабул қилинган қарорни тасдиқлаган мансабдор шахснинг лавозими, фамилияси, исм-шарифи;

тўққизинчи устунида – материалларни кўриб чиқиш муддати (кунлар сони ҳисобида кўрсатилади);

ўнинчи устунида – материалларнинг бирламчи кўриб чиқиш натижаси (масалан, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига юборилди ва ҳ.к.);

ўн биринчи устунида – материалларнинг шаҳар-туман прокурори томонидан ўрганиб чиқилган санаси;

ўн иккинчи устунида – қўзғатилган жиноят ишининг рақами, санаси, Жиноят кодексининг моддаси;

ўн учинчи устунида – тегишлилигига кўра юборилган ишлар (рақами, том, номенклатура ишининг варағи, хат қаерда сақланмоқда);

ўн тўртинчи устунида – материаллар юқори турувчи идоралар томонидан ўрганиб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган қарор бекор қилингандан сўнг қайта кўриб чиқиш натижалари ҳақида кўрсатилади.

«Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш қарори тўғрисидаги материалларни ҳисобга олиш» журнали ички ишлар органида уч йил сақланади, сўнг далолатнома асосида йўқ қилинади.

1-шакл китоб, 2-шакл журнал, билдирув талони китобчаси, «Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш қарори тўғрисидаги материал-

ларни ҳисобга олиш» журнали қатъий ҳисобда турувчи ҳужжатлар ҳисобланади, уларнинг varaқлари рақамланган, тикилган ва муҳр билан мустаҳкамланган бўлиши талаб этилади. Ёзувлар тўлиқ, озода, тушунарли тарзда, кўк рангли шарикли ручка билан ёзилиши лозим ҳисобланади.

Шу билан бирга, ички ишлар органининг навбатчиси томонидан 1-шакл китоби, 2-шакл журнал ва билдирув талонини, шунингдек шаҳар, туман, тармоқ ИИБнинг ҳисоб-қайд этиш ишлари бўйича ходим томонидан «Жиноят иши кўзғатишни рад қилиш қарори тўғрисидаги материалларни ҳисобга олиш» журналининг тўлдирилишида киритилган маълумотларни ўчириб, ёзувлар киритилишига йўл қўйилмади. Борди-ю, хатоликка йўл қўйилса, у ҳолда ушбу масъул ходимлар ёзма равишда изох бериб, имзо чекишлари талаб этилади.

Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни қабул қилиш. Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни қабул қилиш деганда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ва ИИВнинг идоравий норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ ички ишлар органининг ваколатли мансабдор шахси томонидан жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ишларини амалга оширишга доир ҳаракатлари тушунилади.

Юқорида қайд этилганидек, жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатлар оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда берилиши мумкин.

Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатлар қуйидаги тартибда қабул қилинади:

а) жисмоний ва юридик шахс ёки уларнинг вакилларини шахсан қабул қилиш орқали;

б) фельдъегерлик хизмати ёки бошқа алоқа техника воситалари орқали;

в) Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда ИИВнинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайти орқали;

г) ички ишлар органининг фуқароларни қабул қилиш хонасида;

д) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари учун қулай жойларга ўрнатилган почта қутиси орқали.

Жиноят ва ҳодисаларга оид ариза ва хабарлар, уларнинг содир этиш жойи ва вақти, шахси аниқ бўлган-бўлмаганлигидан, шунингдек, хабарнинг тўлиқ эмаслигидан қатъи назар, ички ишлар органининг штатли навбатчиси, уларнинг ёрдамчилари ва белгиланган

тартибда навбатчиликка тайинланган ходимлар томонидан кечакундуз қабул қилинади.

Жиноят ёки ҳодиса юз берганда навбатчилик қисм (хизмат)-нинг бевосита вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза ва хабарларни зудлик билан қабул қилиш, дарҳол расмийлаштириш, рўйхатга олиш учун тегишли китоб ва журналларга қайд этиш;

б) содир этилган жиноят ёки ҳодисага баҳо бериш, жиноятни фош этиш, далилларни олиш, жиноят содир этган шахсларни ушлаш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш мақсадида тергов-тезкор гуруҳи раҳбари ва аъзоларига зудлик билан маълум қилиш, тергов-тезкор гуруҳини воқеа жойига кўздан кечириш учун чиқишини таъминлаш, юз берган ҳолатнинг турига қараб қўшимча кучларни жалб қилиш ва юборилишини ташкил этиш.

Ички ишлар органларининг котибиятига почта ёки бошқа техника алоқа воситалари орқали жиноят ва ҳодисалар ҳақида келиб тушган ариза ва хабарлар умумий қоидаларга кўра хат-хабарларни кирим қилиш ёки ариза-шикоятларни рўйхатга олиш журналларига қайд этилади ва шу заҳоти ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг ўринбосарига ахборот берилади.

Ички ишлар органи бошлиғи ариза ёки хабарни мазмунидан келиб чиқиб 1-шакл китоби ёки 2-шакл журнаliga рўйхатга олиш ва уни текшириш тартиби тўғрисида ижро этувчи мансабдор шахсга ёзма равишда кўрсатма беради.

Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ марказий аппаратларига келиб тушган ариза ва шикоятларни текшириш давомида жиноят аломатлари мавжудлиги аниқланган тақдирда тўпланган ҳужжатлар зудлик билан ҳудудий ички ишлар органига юборилиши ёки жиноятни тегишли ҳудуд ички ишлар бўлимидаги 1-шакл китобидан рўйхатдан ўтказиб, жиноят иши қўзғатилишини ташкил этади.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни навбатчилик қисмидаги 1-шакл китоби ёки 2-шакл журнаliga қайд этмасдан туриб текшириш, ижро этиш учун ходимларга тошириш, шунингдек жисмоний ёки юридик шахслар томонидан бевосита ёзма равишда жиноят ва ҳодисалар ҳақида тақдим этилган мурожаатларни котибият журналларида қайд этиб, текшириш қатъиян тақиқланади.

Жисмоний шахс ёки юридик шахснинг вакили, ички ишлар органининг навбатчилик қисмига, жиноят-процессуал қонунига

мувофиқ суриштирув ёки дастлабки тергов ҳаракатларини амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсга, шунингдек фуқароларни қабул қилиш хонасида жиноят ва ҳодисалар тўғрисида оғзаки равишда арз қилиб келганда, масъул ходим оғзаки равишда берилган мурожаатни қабул қилиш баённомасини расмийлаштиради.

Баённомада аризачининг яшаш ва ишлаш жойи, шунингдек унинг шахсига оид маълумотлар кўрсатилиши, агар аризачининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаса, унинг шахсини текшириш учун бошқа чоралар кўрилиши талаб этилади.

Оғзаки аризани қабул қилган мансабдор шахс, аризачига била туриб ёлғон хабар берганлик тўғрисида жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлигини тушунтириб, огоҳлантириши ва бу ҳақда баённомага имзо қўйдириши шарт.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз оғзаки ёки ёзма шаклда бўлиши мумкин. Жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига мувофиқ масъул ходим оғзаки арзни баённомада акс эттириб расмийлаштиради.

Баённомага арз қилувчининг шахсига доир маълумотлар киритилади ва унинг матни биринчи шахс номидан баён қилиниб, унда жиноят содир этиш ҳолатлари хусусидаги маълумотлар арз қилувчи номидан, иложи борича сўзма-сўз кўрсатилиши зарур ҳисобланади.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз бўйича расмийлаштириладиган баённома арз қилувчи ва аризани қабул қилган мансабдор шахс томонидан имзоланади, бунда аризачи била туриб ёлғон хабар берганлик тўғрисида жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилмайди.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз Жиноят-процессуал кодекс талабларига биноан тўла, холисона ва ҳар томонлама кўриб чиқилиши, текширилиши, тўпланган далилларнинг ишга алоқаси бор-йўқлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назардан баҳоланиши лозим.

Ички ишлар органларининг маъмурий биноларидан ташқари жойларда, ҳудудий профилактика инспекторлари ёки бошқа соҳавий хизмат ходимларига хизмат вазифаларини бажариш чоғида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатлар қилинганида улар бу ҳақда шахар, туман ички ишлар органининг навбатчилик қисмига хабар беришлари шарт. Шу билан бирга, ички ишлар органларининг мансабдор шахси, жиноят ва ҳодисалар тўғрисида берилаётган ариза, хабар ва бошқа маълумотларни текширув ўтказишга етарли эмас, деган баҳона билан қабул қилмасликка ҳақли эмас.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни асоссиз важлар билан қабул қилишни рад этиш Жиноят кодексининг 241¹-моддасида кўрсатилган жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Шаҳар-туман, тармоқ ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари ички ишлар органларининг бошқа таркибий бўлим, бўлинмаларидан қуйидаги хабарларни қабул қилади:

а) *қўриқлаш хизматларидан* – қўриқланаётган объектга нисбатан содир этилган жиноий тажовузлар, техник қўриқлаш пунктларига уланган объектларга ғайриқонуний киришга уриниш чоғида қўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиш ҳолатлари, шунингдек қўриқлаш нарядлари масъул этиб тайинланган хизмат ҳудудларда аниқланган бошқа жиноят ва ҳодисалар ҳақида;

б) *ёнгин хавфсизлиги хизматларидан* – фуқароларнинг ўлимига ёки уларнинг соғлиғига шикаст етказилишига, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкига зарар етказилишига олиб келган ёхуд олиб келиши мумкин бўлган ёнгинлар ва ўзганинг мулкини қасддан ўт қўйиш орқали нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш ҳолатлари ҳамда масъул этиб тайинланган хизмат ҳудудидаги аниқланган бошқа жиноят ва ҳодисалар ҳақида;

в) *Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларидан* – фуқароларнинг ўлими, баданга шикаст ёки мулкӣ зарар етказилишига олиб келган йўл-транспорт ҳодисалари, автомототранспорт воситаларини олиб қочиш, шунингдек масъул этиб тайинланган хизмат ҳудудида аниқланган бошқа жиноят ва ҳодисалар ҳақида;

г) *патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизматларидан* – масъул этиб тайинланган хизмат ҳудудида аниқланган жиноят ва ҳодисалар ҳақида;

д) *ички ишлар органларининг махсус муассасаларидан* – сақланаётган шахслар томонидан содир этилган жиноят ва ҳодисалар ҳамда бу ҳақида улардан олинган хабарлар тўғрисида маълумотлар олинганда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган соҳавий хизматлардан алоқа воситалари орқали қабул қилинган хабарлар зудлик билан 2-шакл журналида қайд этилиб, рўйхатга олинади.

Шаҳар-туман, тармоқ ИИБ навбатчилик қисмларига жисмоний ва юридик шахслар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида мурожаат қилинганда ёки котибиятларга шундай мазмундаги мурожаатлар келиб тушганда, бундай мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш ички ишлар органларининг идоравий норматив ҳужжатларда белгиланган умумий тартиб ва қоидалар асосида амалга оширилади.

Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни рўйхатга олиш ва уларнинг ҳисобини юритиш. Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларнинг ҳисобини юритиш деганда, ички ишлар органларига келиб тушган ва рўйхатга олинган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларнинг миқдори, ижтимоий хавфлилик даражаси, тури, белгиланган муддатларда кўриб чиқилганлиги, кўрилган чоралар, текширув натижалари бўйича қабул қилинган процессуал қарорлар тўғрисидаги маълумот ва кўрсаткичларни статистик ҳисоботларда акс эттириш тушунилади.

Ички ишлар органининг навбатчилик қисмига келиб тушган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар зудлик билан 1-шакл китоби ёки 2-шакл журналида рўйхатга олинади ва бу ҳақда тегишли орган бошлиғига ахборот берилади. Ариза ва хабарнинг кўриб чиқилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ҳамда ички ишлар органларининг идоравий норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ ташкил этилади.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни рўйхатга олиш ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларида дарҳол амалга оширилади.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза ва хабарлар:

– ички ишлар органлари навбатчилик қисмига, саф бўлинмаларининг навбатчисига ҳамда суриштирувчи ёки терговчига бевосита мурожаат этганида 1-шакл китобида;

– ички ишлар органларининг телефон ёки бошқа алоқа техника воситалари орқали келиб тушган, шу жумладан кўриқлаш ва ёнғин сигнализация ускуналарининг ишлаб кетиши ва ҳодисалар ҳақидаги бошқа сигналларга оид маълумотлар 2-шакл журналда рўйхатга олинади.

1-шакл китоб ва 2-шакл журнал навбатчилик қисмида сақланади ва ички ишлар органи навбатчиси ёки унинг ёрдамчиси томонидан тўлдириб борилади.

Навбатчилар, ўз навбатчилиги давомида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини ташкил этади. Ҳар бир ҳолат юзасидан суриштирув натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар ҳақида рўйхатга олиш ҳужжатларига тегишли ёзувлар киритиб борилишини назорат қилади.

Жиноят ва ҳодисалар тўғрисида бошқа ички ишлар органларидан келиб тушган ишлар ҳам идоравий норматив ҳужжатларда белгиланган умумий талабларга биноан рўйхатга олинади.

Жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотни рўйхатга олиш бирор-бир сабабларга кўра ички ишлар органининг навбатчисига ўз вақтида етказилмаса, бу ҳолда 1-шакл китоби ёки 2-шакл журналининг 2-устунига навбатчилик қисмига маълумот тушган вақт билан бир қаторда унинг ички ишлар органи ходимига илк бор маълум бўлган санаси, соати ва дақиқаси кўрсатилади. Бундай ҳолларда кўриб чиқиш муддати унинг ички ишлар органи ходимига илк бор маълум бўлган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақида ёзма шаклда келиб тушган хабарларни рўйхатга олишда жисмоний шахснинг аризасига ёки юридик шахснинг ёзма равишдаги хабарига рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи штамп қўйилади.

Штампда қуйидаги маълумотлар ўз ифодасини топади:

- жиноят ва ҳодисани рўйхатга олиш санаси;
- қайд этилган тартиб рақами;
- мурожаатни қабул қилган навбатчининг фамилияси.

Мурожаатни қабул қилган навбатчи киритган маълумот ва ёзувларнинг тўғрилигини ўз имзоси билан тасдиқлайди.

1-шакл китоби ва 2-шакл журналини юритиш қоидаларига риоя этмаслик, жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги мурожаатларни тўлиқ ёки ўз вақтида рўйхатга олмаслик, шунингдек кўриб чиқилишининг кечиктирилиши учун жавобгарлик шахсан ички ишлар органи бошлиғи ва масъул бўлган тезкор навбатчининг зиммасига юклатилади.

Агар, жиноят ва ҳодисалар ҳақида келиб тушган мурожаат юритувда бўлган жиноят иши ёки суриштирув органининг текширув ҳужжатларига қўшиб қўйилган бўлса, суриштирувчи ёки терговчи бу ҳақда 1-шакл китоби ёки 2-шакл журналга тегишли ёзувларни киритиб қўйиши лозим.

Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари. 1-шакл китоби ва 2-шакл журналда рўйхатга олинган ариза ва хабарлар келиб тушган вақтнинг ўзида ички ишлар органининг навбатчиси текширув ўтказишни ташкил этиши керак.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарлар рўйхатга олиниб, ИИБ бошлиғи ёки унинг ўринбосарларидан бирига қонуний қарор қабул қилиш учун ахборот берилгандан сўнг 24 соат ичида ижрочига топширилиши шарт.

Ички ишлар органи бошлиғи, унинг ўринбосарлари, суриштирувчи, терговчи ёки бошқа ваколатли мансабдор шахс жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни кўриб чиқишда ёки хабарнинг

текширилишини ташкил этишда, ариза ва хабарда мавжуд бўлган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, **ўз ваколатлари доирасида дарҳол қуйидаги кечиктириб бўлмайдиган чораларни амалга оширишлари шарт:**

– жиноятнинг олдини олиш ёки содир этилган жиноят ва ҳодисани оғир оқибатларга олиб келишига йўл қўймаслик;

– воқеа содир бўлган жойни зудлик билан қўриқланишини ташкил этиш, воқеа жойига тергов-тезкор гуруҳини ўз вақтида тўлиқ таркибда чиқиши ва сифатли кўздан кечириш, жиноят изларини аниқлаш, далилларни расмийлаштириб олиш;

– жиноятга тайёргарлик кўраётган, содир этаётган ёки содир этган шахсларни жиноят устида қўлга олиш учун тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш.

Ички ишлар органларининг ҳудудий профилактика инспектори йўл-патруль хизмати ва патруль-пост хизмати саф бўлинмалари навбатчилари хизмат ҳудудида жиноят белгилари мавжуд бўлган ҳолатларни аниқлаганларида ҳодиса тўғрисида зудлик билан телефон ёки бошқа алоқа воситаси орқали ҳудудий шахар, туман, тармоқ ички ишлар органи навбатчилик қисмига ахборот беради **ва ўзига юклатилган мажбуриятлардан келиб чиқиб:**

– жиноятнинг «иссиқ изидан» очилишини ташкиллаштириш;

– ҳолат оғир оқибатларга олиб келишининг олдини олиш;

– жиноят содир этган шахсларни ушлаш;

– жабрланганларга ёрдам кўрсатиш;

– тергов-тезкор гуруҳи етиб келгунга қадар ҳодиса содир бўлган жойдаги асл ҳолатни сақлаш ва далилий ашёларни қўриқлаш, рўй берган ҳодисанинг табиати ва тавсифини инобатга олиб бошқа кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни амалга оширишни ташкил этади.

Жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги хабар юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилганлиги ва унинг натижалари бўйича 24 соатдан ошмаган вақт ичида, тегишли орган раҳбарига, кейинги текширув ишларини ташкил этиш учун ахборот беради.

Жиноят ва ҳодисага оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олинishi ва дарҳол жиноят ишини кўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёхуд суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, **ўн суткадан** кечикмасдан кўриб чиқилиши лозим.

Кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб

олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкин.

Алоҳида ҳолларда, ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган муддат суриштирувчи ёки терговчининг асослангилган қарорига кўра қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлганда, прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:

– ўтказиш учун кўп вақтни талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, хужжатли тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;

– олис жойларда бўлган ёки чақирувга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;

– янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса.

Суриштирув органи, жиноят ва ҳодиса бўйича келиб тушган мурожаатни текширув натижалари бўйича ички ишлар органи бошлиғига ахборот беради ва Жиноят-процессуал кодекс талабларига мувофиқ кўриб чиқилишини таъминлайди.

Агар ахборот берилгунга қадар кўриб чиқилмай қолган жиноят ва ҳодисалар мавжуд бўлса, ички ишлар органининг бошлиғи ёки унинг вазифасини бажараётган мансабдор шахс ҳар бир ариза ёки хабар юзасидан уларни идоравий норматив хужжатларда назарда тутилган талабларга мувофиқ белгиланган муддатларда кўриб чиқиш, қонуний ечими ва тўхтамга келишини ташкил этиш мақсадида суриштирув органининг мансабдор шахсига ёзма равишда кўрсатма бериши шарт ҳисобланади.

ЖПКнинг 330-моддасига мувофиқ, жиноятга оид маълумотларни кўриб чиқиш натижалари бўйича – жиноят ишини кўзғатиш, жиноят иши кўзғатишни рад қилиш, ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига кўра юбориш ҳақида қабул қилинган қарорлар, ЖПКнинг 329-моддасида ўрнатилган муддатларда кўриб чиқилади ва бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма равишда хабар қилинади.

Илгари 2-шакл журналида рўйхатга олинган мурожаат бўйича мансабдор шахсдан ёки фуқародан ёзма ариза ёхуд хабар олинганда, шунингдек рўйхатга олинган мурожаатда жиноят аломатлари мавжудлиги аниқланганда 2-шакл журналининг 7-устунига бу ҳақда ёзилади ва ушбу ариза ёки хабар 1-шакл китобига ўтказилади.

Жиноят ҳақидаги маълумот тасдиқланган тақдирда 2-шакл журналидан 1-шакл китобига ўтказилади.

Жиноят ҳақида тасдиқланган маълумот 2-шакл журналидан 1-шакл китобига ўтказилганида билдирги орқали у биринчи марта

ички ишлар органига келиб тушган санаси (соат, дақиқа) билан қайд этилади. Кейинчалик жиноят ҳақида фуқаронинг аризаси ёки давлат ёхуд жамоат ташкилотининг хабари ички ишлар органига келиб тушган вақтидан қатъи назар, дастлабки бу хабарни қайд этиш санасидан бошлаб кўриб чиқиш муддати бошланади.

Ушбу ҳолатда ҳам жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни кўриб чиқиш муддати умумий талабларига мос келиш керак.

Дастлабки тергов жараёнида ички ишлар органларига илгари маълум бўлмаган, шунингдек тергов ёки суриштирув ҳаракатлари олиб борилаётган ҳолатга алоқадор ёки алоқадор бўлмаганлигидан қатъи назар янги жинойи ҳолат аниқланган тақдирда, терговчи ёки суриштирувчининг ушбу жиноятни аниқлаганлиги ҳақидаги билдиргиси ёки жабрланувчининг аризаси ИИБнинг 1-шакл китобида «Тергов жараёнида аниқланган қўшимча жиноят» белгиси билан рўйхатга олинади.

Юқорида келтириб ўтилган **бошқа маълумот тарзидаги хабарлар** келиб тушганда ички ишлар органининг навбатчиси уларни дарҳол текшириш чораларини кўриш мақсадида кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни ўтказиш учун тергов-тезкор гуруҳи таркибига кирувчи барча гуруҳ аъзоларини ҳодиса содир бўлган жойга чиқишини ташкил этади.

Ҳодиса жойига етиб келган тергов-тезкор гуруҳи аъзолари қуйидаги ишларни амалга оширилишини ташкил этади:

- а) тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш;
- б) судга оид турли хил экспертизалар тайинлаш;
- в) гувоҳ ва шохидлар ҳамда дастлаб жабр кўрган ва уларнинг кўрсатмасига кўра жиноят содир этган шахс деб топиш учун асос бўлган шахслардан тушунтиришлар олиш;
- г) жиноят белгилари бор ёки йўқлигини аниқлаштиришга қаратилган текширув ҳаракатларини амалга ошириш.

Келиб тушган бошқа маълумот тарзидаги хабарлар юзасидан белгиланган тартибда суриштирув ёки тергов органлари томонидан тўпланган текширув материалларига асосан жиноят иши қўзғатиш, маъмурий жазо чорасини қўллаш, материалларни маъмурий комиссияга бериш, номаълум мурда, номаълум бемор ёки боланинг ва бошқалар шахсини аниқлаш бўйича қарор қабул қилинади. Шунингдек, тиббий, автотехник ёки бошқа махсус экспертиза тадқиқотларини ўтказиш талаб қилинадиган текширувлар бўйича эса улар яқунланганидан сўнг қарор қабул қилинади.

Жиноят ёки ҳодиса бир тезкор хизмат кўрсатувчи ички ишлар органи ҳудудида содир этилиб, жисмоний ёки юридик шахс бошқа хизмат ҳудудидаги ички ишлар органига ариза ёки хабар билан мурожаат этган бўлса, дастлаб ариза ёки хабар келиб тушган ички ишлар органининг навбатчиси мурожаат этувчининг анкета маълумотларига оид ахборотларни олади, юз берган ҳолат тафсилотини тўлиқ тинглайди, зарур бўлганда ойдинлик киритувчи саволлар билан аниқликлар киритади.

Мурожаатни қабул қилиб, белгиланган тартибда рўйхатга олган навбатчи жиноят ёки ҳодисанинг содир этилган жойни аниқлаштириш натижаси бўйича ҳолат ҳақиқатан ҳам бошқа тезкор хизмат кўрсатувчи ички ишлар органи ҳудудида содир этилганлигини аниқлаб, яққол ишонч ҳосил қилган бўлса, жисмоний ёки юридик шахсга зудлик билан ёзма, оғзаки ёки алоқа техника воситалари орқали тегишли ички ишлар органига мурожаат қилиш тўғрисида тавсиялар бериш билан бирга манзили, телефон рақамлари, қайси жамоат транспортларида етиб бориши мумкинлиги ҳақидаги тўлиқ маълумотларни тақдим этади.

Навбатчидан қабул қилган мазкур хабар тўғрисида 2-шакл журналга қайд этиб, тегишли ёзувлар киритиб қўйиши талаб этилади.

Ички ишлар органининг хизмат кўрсатувчи ҳудудидан ташқарида содир этилган жиноят ва ҳодиса ҳақида ёзма равишда тақдим этилган мурожаатлар, жиноят ишини кўзғатиш масаласини кўриб чиқиш учун текшириш ҳаракатларини тегишли туманда ўтказиш зарур бўлган ҳоллардагина ЖПКнинг 335-моддасига мувофиқ ариза ва хабарни тегишлилигига қараб, юборишга йўл қўйилади.

Алоқа техника воситалари орқали келиб тушган бундай хабарлар 2-шаклдаги журналга қайд этиб қўйилади.

Жисмоний ёки юридик шахсларнинг жиноят ва ҳодисага оид ариза ва хабарларига эътиборсиз бўлиб, асоссиз ёки мазкур Йўриқнома билан тартибга солинган талабларга зид равишда, бошқа ички ишлар органида рўйхатга олиб текшириш учун мурожаат этишга доир кўрсатмалар ёки тавсиялар бериш қатъиян тақиқланади. Бундай ҳолатга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг ҳаракати оқибатида жиноятни фош этиш истикболи ҳамда далил сифатида фойдаланиши мумкин бўлган излар ва ашёларнинг йўқолишига сабаб бўлса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Агар ички ишлар органида қабул қилиниб, рўйхатга олиниб бўлинган жиноят ва ҳодиса ҳақидаги мурожаат юзасидан ўтказилган

суриштирув ҳаракатлари давомида жиноят бошқа ҳудудда содир этилганлиги аниқланса, жиноятни «иссиқ из» дан фош этиш, уни содир этган шахсларни, гувоҳ ва шоҳидларни ўз вақтида аниқлаш, далилларнинг сунъий ёки табиий таъсирлардан йўқолишининг олдини олиш, шунингдек **кечиктириб бўлмайдиган бошқа чораларни кўриш мақсадида ички ишлар органининг навбатчиси ёки масъул ходим қуйидагиларни ташкил этади:**

а) тергов-тезкор гуруҳи таркибига кирувчи ходимларни ҳамда содир этилган жиноятнинг турига қараб тегишли мутахассисларни воқеа жойини кўздан кечириш учун юбориш;

б) воқеа жойини кўздан кечириш давомида жиноятга дахлдор излар ва ашёларни олиш, далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни тўплаш, иш учун аҳамиятли бўлган излардан қолиплар ва нусхалар олиш, фотосурат ҳамда видеоёзувга тушириш;

в) жиноятни фош этишга қаратилган барча зарур бўлган суриштирув ва тезкор-қидирув ҳаракатларини ўтказиш;

г) ходиса содир этилган ҳудудда гувоҳ ва шоҳидларни аниқлаш;

д) жабр кўрганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;

е) жиноят натижасида юз берган турли хил талофатларнинг оғир оқибатларга олиб келишининг олдини олиш;

ё) воқеа жойини кўздан кечириш давомида олинган жиноятга дахлдор из ва ашёларни ўраш, муҳрлаш ва сақланишини таъминлаш;

ж) зарур деб топилган ҳолларда тегишли экспертиза тайинлаш ишларини амалга оширишлари шарт.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ишлар амалга оширилгандан сўнг, зудлик билан ҳолат бўйича тўпланган суриштирув ҳужжатлари ЖПКнинг 330-моддасига асосан, кўзғатилган жиноят иши эса ЖПКнинг 346-моддасига мувофиқ, иш бўйича олинган ашёвий далилларни илова қилган ҳолда ҳудудий жихатдан терговга тегишлилигига кўра юборилади.

Ҳудудий жихатдан юборилган жиноят ва ҳодисаларга оид ишларни юборган орган ҳолатни ўз ҳисобидан чиқариб, бу ҳақда 1-шакл китоби ёки 2-шакл журналига белги қўяди ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат этувчига ёзма равишда хабар қилади.

Ҳудудий жихатдан тегишлилиги бўйича юборилган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар уларни жўнатган идора ҳисобидан чиқарилгандан сўнг ишни қабул қилган ички ишлар органида рўйхатга қўйилади. Бундай ҳолларда кўриб чиқиш муддати ички ишлар органига ҳудудий тааллуқлилиги бўйича келиб тушган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Ички ишлар органларининг терговчилари томонидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги материалларни, агарда уларда мавжуд бўлган маълумотлар яққол жиноят аломатларини кўрсатиб, жиноят ишини кўзғатиш учун қарор қабул қилишга етарли асослар бўлса, суриштирув хизматларига терговга қадар суриштирув ҳаракатларини ўтказиш учун бериш тақиқланади.

Суриштирув ходимининг жиноят иши кўзғатиш тўғрисида чиқарган қарори ёки жиноят иши кўзғатишни рад этиш қарорлари ички ишлар органининг бошлиғи томонидан тасдиқланади. Ички ишлар органининг бошлиғи қарорни тасдиқлаш вақтида мавжуд ҳужжатларни мукамал ўрганиши, қарор Жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ тўғри, тўлиқ ва холисона қабул қилганлигига шахсан ишонч ҳосил қилиши шарт. Жиноят иши кўзғатиш ва жиноят ишини кўзғатишни рад этиш ҳақида асоссиз қарорлар қабул қилинган ҳолларда орган бошлиғи қўшимча текширувнинг ўтказилишини ташкил этиш керак.

Ички ишлар органининг мансабдор шахси томонидан қабул қилиниб 2-шакл журналида рўйхатга олинган жиноят ва ҳодиса ёки бошқа маълумотлар ҳақидаги хабар ёлғон бўлиб чиқса ёки олинган маълумот ўз тасдиғини топмаса, текширувни амалга оширган ходим 2-шаклдаги журналга ҳолат юзасидан қабул қилинган қарор натижалари бўйича ёзувлар киритиб, имзоси билан тасдиқлайди.

1-шакл китоби ва 2-шакл журналининг барча реквизитлари уларнинг бош варағи орқасидаги қоидаларга мувофиқ тўлдирилади. Ҳар қайси маълумот бўйича киритилган ёзувларда ҳодиса қачон юз берганлиги, ким томонидан содир этилганлиги, у ҳақда ким, қандай шаклда хабар берганлиги, уни кўриб чиқиш тартиблари бўйича қандай кўрсатмалар берилганлиги, текшириш учун қандай чоралар кўрилганлиги, кўриб чиқишда кимлар қатнашганлиги, қачон, ким томонидан қандай қарор қабул қилинганлигига доир батафсил маълумотлар ўз ифодасини топмоғи лозим.

Маъмурий қамокқа олинган шахсларни сақлаш учун махсус қабулхоналар ҳамда аниқ яшаш ва иш жойи бўлмаган шахсларни Реабилитация қилиш марказлари, шунингдек жазони ижро этиш муассасалари ёки тергов ҳибсхоналари маъмуриятига келиб тушган жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги хабарлар зудлик билан шу муассасалар жойлашган ҳудудий шаҳар, туман, тармоқ ички ишлар органларига такдим этилади.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш фаолиятининг иш натижалари ҳақида ички ишлар органининг ҳисоб-

қайд этиш ходими томонидан ярим йиллик ва йиллик статистик ҳисобот белгиланган шаклда тузилади. Ҳисобот тузиш учун 1-шакл китоби ва 2-шакл журнали асос бўлиб хизмат қилади.

Рўйхатга олинган мурожаатларни кўриб чиқиш натижаси бўйича жиноят иши кўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги материалларнинг ҳисобини юритиш, ҳисоб-қайд этиш ходими томонидан амалга оширилади.

Ҳисоб-қайд этиш ходими журналдаги маълумотларни, навбатчилик қисмидаги 1-шакл китоби ва 2-шакл журнали билан ҳар ой якуни бўйича солиштириб, таққослаш натижаси бўйича далолатнома тузади ва орган бошлиғига ёзма равишда билдирги билан ахборот бериб боради.

Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ҳамда ҳисобини юритиш тартибига риоя қилиниши устидан назорат. Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги ариза ва хабарларнинг кеча-кундуз қабул қилиниши, уларни қайд этиш ва ҳисобга олишнинг тўлиқлигини кўриб чиқиш ва кўриб чиқишнинг қонунийлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳамда идоравий норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиш устидан шахсий жавобгарлик шаҳар-туман, тармоқ ИИБ бошлиқлари зиммасига юклатилади.

Ички ишлар органининг бошлиғи ўзига бўйсунувчи тизимларда жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва ҳисобини олиб бориш тартибларига риоя этилиши устидан кундалик назоратни амалга оширади.

Ички ишлар органида қабул қилинган ҳар бир ариза ва хабарлар рўйхатга олингандан сўнг, навбатчи томонидан мажбурий тартибда уларни ўз муддатида кўриб чиқилишини назорат қилиш учун лозим бўлган аниқ муддатини 1-шакл ва 2-шакл журналда қайд этади.

Навбатчилик сменасини топшираётган навбатчи, илгари рўйхатга олинган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни ЖПКнинг 329-моддасига асосан кўриб чиқиш муддати ўтиб кетаётганлигини аниқласа, уларнинг рўйхатини тузиб, ёзма равишдаги билдиргиси билан ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг вазифасини бажарувчисига тегишли қарор қабул қилиш учун ахборот бериши шарт ҳисобланади.

Ички ишлар органининг бошлиғи:

– қўл остидаги мансабдор шахслар томонидан жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги ариза ва хабарларни текшириш давомида белги-

ланган муддатни бузиш ҳолатига йўл кўйилганлиги аниқланганида, текширилаётган материалларни кўриб чиқиш учун кечиктириб бўлмайдиган суриштирув ҳаракатларини олиб бориш ишларини ташкиллаштириш чораларини кўради;

– хизмат ва ижрочилик интизомини бузиш ҳолатларига йўл кўйилган-кўйилмаганлигини ўрганади, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этади, зарур деб топилган ҳолларда айбдор мансабдор шахсга нисбатан таъсир чораларини қўллайди;

– суриштирув ходими томонидан жиноят иши кўзгатишни рад этиш тўғрисида чиқарган қарорини тасдиқлаш вақтида, тўпланган материаллар бўйича шубҳали ҳолатлар мавжуд бўлса, аризачи билан шахсан суҳбат чоғида унинг дастлабки аризаси ёки хабари билан кейинги тушунтириш мазмуни ўртасида қарама-қаршиликлар бор ёки йўқлигини текширади, мавжуд бўлган ҳолларда бунинг сабабларини аниқлайди ва уларни бартараф қилиш чораларини кўради;

– жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларга асосан тўпланган ҳужжатларни ва ашёвий далилларни тааллуқлилиги бўйича бошқа ички ишлар органига тўлиқ ва нуқсонларсиз юборилишини таъминлайди;

– жиноятга оид тўпланган ҳужжатлар юзасидан шахс ҳаракатида жиноят ҳақида эмас, маъмурий жавобгарлик келтириб чиқарувчи ҳолатлар аниқланиб, суриштирув давомида ўрнатилган тартибда чоралар кўрилмаган бўлса, маъмурий таъсир чоралари қўлланилишини таъминлайди.

Ўз навбатида, ички ишлар органининг навбатчиси ўтган сутка давомида тезкор вазият тўғрисида орган бошлиғига ахборот берганидан сўнг 1-шакл китоби ва 2-шакл журнали юритилишининг тўғрилигини текшириш ва бу ҳақда тегишли ёзув киритиб бориш ишларини амалга оширади.

Ички ишлар органининг бошлиғи ҳар ойда ўрнатилган тартибда 1-шакл китоби ва 2-шакл журналида қайд этилган жиноят ва ҳодисаларга оид маълумотларни тўлиқ ҳисобга олинаётганлигини текшириш мақсадида бошқа манбалар, шу жумладан, билдирув талонлари ва унинг қирқиб олинadиган бўлагидagi маълумотлар билан солиштирувлар ўтказилишини ташкил этиши керак.

Солиштирув ўтказилишини амалга ошириш учун ички ишлар органининг бошлиғи махсус комиссия тузади, унинг таркибини тасдиқлайди. Ушбу комиссия таркибига ички ишлар органларида етарли тажрибага эга бўлган малакали ходимлар киритилади. Ҳисоб-қайд этиш ходимининг комиссия ишида иштироки мажбурий ҳисоб-

ланади. Ушбу комиссияга бошлиқ ўринбосарларидан бири раҳбар этиб тайинланади.

Навбатчилик қисмига Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБлари тегишли ички ишлар органлари навбатчилик қисмига телефон орқали келиб тушган маълумотларни рўйхатга олишнинг тўғрилигини назорат қилиш учун уларни электрон ёки рақамли овоз ёзиб олиш ускуналари ёрдамида амалга оширилади. Эшитиш натижалари 1-шакл китоби ва 2-шакл журналида бўлган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олишнинг тўлиқлигини солиштириб, текшириш далолатномаларида акс эттирилади.

Ушбу йўналишдаги вазифалар, талаб ва тартибларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш қуйидаги орган ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилади:

– жиноят ва ҳодиса ҳақидаги ариза ва хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқишда қонунийликка риоя қилиш устидан дастлабки тергов ва суриштирувни амалга оширувчи хизматларнинг раҳбарларига (тергов, жиноят қидирув, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва бошқ.);

– жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни ўз вақтида (1-шакл китоби ва 2-шакл журналида) рўйхатга ва ҳисобга олишнинг тўлиқлиги устидан ички ишлар органларининг бошлиқларига;

– бирламчи ҳисобга олиш ва статистик ҳисоботларнинг тўғрилиги ва ишончлилиги ҳамда бу ишда ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш устидан Ахборот марказлари ёки республика Ички ишлар вазирлиги раҳбариятининг қарорига мувофиқ уларнинг тегишли штатлари билан белгиланган бошқа махсус ташкил этилган бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Ташкилий-инспекторлик бошқарма ва бўлинмалари томонидан инспекторлик, назорат ва бошқа текширувлар жараёнида жойларда ҳисобқайд этиш интизомига риоя этиш ҳолати ҳамда ИИВ, ИИББ, вилоятлар ИИБ хизматларининг бу борадаги фаолиятини текширадилар.

Барча ички ишлар органлари раҳбарлари жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги мурожаатларни кўриб чиқишда:

– қонунийликка амал қилиш;

– ишни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш;

– ҳисоб-қайд этиш интизомини мустаҳкамлаш ва бу борада мавжуд камчиликларни бартараф қилиш;

– лозим деб топилган ҳолларда айбдорларга нисбатан тегишли интизомий чоралар кўриш. Зиммасига назорат юклатилган хизматлар томонидан мавжуд талаб ҳамда тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилинишини таъминлашга мажбур.

Навбатчилик қисмига телефон орқали келиб тушган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарларнинг электрон ёки бошқа рақамли овоз ёзиш ускунасидаги ёзувлар ўттиз сутка давомида сақланади ва шундан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақида мурожаатлар қилиш, уларни қабул қилиш, рўйхатга ва ҳисобга олиш, кўриб чиқиш юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш. Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатга ва ҳисобга олиш, кўриб чиқиш тартибларини аҳолига тушунтириш учун ички ишлар органларининг фуқароларни қабул қилиш жойларида ўрнатилган пештахталарда ёки **бошқа рухсат этилган жойларда қўйидаги маълумотлар жойлаштирилади:**

– жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабарлар ёки бошқа маълумотларни қабул қилиш тартиби, қоидалари ҳамда аризачининг ҳуқуқлари;

– Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан, жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабарларни қабул қилиш тартибларига оид кўчирмалар;

– жиноят ҳақида ёзма равишдаги ариза, айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз намуналари ҳамда уларни тузиш бўйича қўйилаётган талаблар;


– ёлғон хабар берганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида Жиноят кодекси моддасидан кўчирмалар.

Бундан ташқари, маълумот пештахталарида, шу каби хабарларни қабул қилиш ҳамда жиноят ҳақидаги оғзаки аризаларни баённома билан расмийлаштириб олиш ҳуқуқига ва ваколатига эга мансабдор шахсларнинг рўйхати, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ, жиноятлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш ёки қилмаслик ҳаракатлари билан боғлиқ шикоятларни кўриб чиқиш ваколатига эга орган раҳбарияти ва бошқа мансабдор шахслар тўғрисидаги маълумотлар (лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, ички ишлар органининг манзили ва хизмат телефон рақамлари) жойлаштирилади.

ИЛОВАЛАР

1-илова.

Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш СХЕМАСИ



2-илова.

Ўзбекистон Республикаси _____ томонидан _____ да 20__ йил _____ кунлари жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари учун ўтказилган шахсий (сайёр) қабуллар бўйича
МАЪЛУМОТНОМА

Т/р	Ф.И.О	Яшаш манзили, телефон рақами	Мурожаатнинг қисқача мазмуни	Ижро этувчи масъул	Назорат муддати	Натижаси
1						
2						
3						
4						
5						
6						
7						
8						
9						
10						
11						
12						
13						
14						
15						

НАЗОРАТ ВАРАҒИ

(Олд томони)

(Орқа томони)

Ушбу назорат варағи _____ га қайтарилиши шарт		
Мурожаатнинг қисқача мазмуни: _____ _____ _____ _____	Келиб тушган санаси ва рақами _____	
	Кимнинг назоратида _____	
	Бажариш муддати « _____ » _____ 20 ____ й.	
	Назоратдан олган раҳбар: _____ _____	Назоратдан олинган сана

Мурожаатни кўриб чиқиш натижаси:
Ички ишлар органи (таркибий бўлинма) раҳбари Ф.И.О ва имзоси:

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан назоратга олинган
мурожаатларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича
МАЪЛУМОТНОМА**

Т/р	Ф.И.О	Яшаш манзили, телефон рақами	Мурожаатнинг қисқача мазмуни	Ижро этувчи масъул	Назорат муддати	Яқуний хулоса
1.						
2.						
3.						
4.						
5.						
6.						
7.						
8.						
9.						
10.						
11.						
12.						
13.						
14.						
15.						
16.						
17.						
18.						
19.						
20.						

20__ ва 20__ йилларнинг __ ойида _____ га жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган ва назоратга олинган мурожаатлар юзасидан

ТАҲЛИЛИЙ ҲИСОБОТ

Т/р	Мурожаатларда кўтарилган масалалар	Жами мурожаатлар сони		Шундан														Кўриб чиқиш ҳолати								Кўриб чиқиш натижаси																												
		20__	20__	Жисмоний шахслардан		Юридик шахслардан		Ўзма мурожаатлар		Электрон мурожаатлар		Оғзаки мурожаатлар				Такрорӣ	Муъллати бузилган		Назоратга олинган		Марказий ашаратда кўриб чиқилган	Худудий ИИОларига юборилган		Бошқа идора ва ташкилотларга юборилган		Кўриб чиқилмоқда		Қаноатлан-тирилган		Тушунтириш берилган		Рад этилган		Кўрмасдан қолдирилган																				
				20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__		20__	20__	20__	20__		20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__																	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	13.1	14.1	13.2	14.2	13.3	14.3	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36													
1	ИИО ходимининг ноўрин ҳаракатлари юзасидан																																																					
	ИХХХ ходимининг ноўрин ҳаракатлари юзасидан																																																					
	Профилактика инспектори ҳаракатлари юзасидан																																																					
	Терговчиларнинг ноўрин ҳаракатлари юзасидан																																																					
2	МваФР ходимининг ноўрин ҳаракатлари юзасидан																																																					
	Оила турмуш доирасидаги келишмовчиликлар																																																					
	Терговга қадар текширув, дастлабки тергов ва суриштирув масаласида																																																					
	Судланганлик ҳолатини олиб ташлаш																																																					
5	Фуқаролик масаласида																																																					
6	Пропискага кўйиш ва ундан чиқиш																																																					
7	Чет элга чиқиш ва келиш																																																					
8	Моддий зарарни ундириш																																																					
9	Қидирув масаласида																																																					
10	Транспорт воситасини қайта жиҳозлаш																																																					
11	Амнистия ва афв этиш																																																					
12	Иш (ўқиш)га кириш,																																																					
13	Ишга қайта тиклаш																																																					
14	ИИВ тизимидаги тиббий хизматдан фойдаланиш																																																					
15	Иш ҳақи, пенсия тайинлаш																																																					
16	Ҳуқуқий маслаҳат																																																					
17	Таклифлар																																																					
18	Бошқа масалаларга оид																																																					
19	ИИО фаолиятига тааллуқли бўлмаган																																																					
20	Жами																																																					

20__ ва 20__ йилларнинг __ ойида ички ишлар органларига жисмоний ва юридик шахслардан тушган муурожаатларнинг масалалар ва вилоятлар бўйича таққослама таҳлили

Т/р	Муурожаатларда кўтарилган масалалар	Жами муурожаатлар		Ўзбекистон Республикаси ИИБ		Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ		Андижон вилояти ИИБ		Бухоро вилояти ИИБ		Жиззах вилояти ИИБ		Қашқадарё вилояти ИИБ		Навобй вилояти ИИБ		Наманган вилояти ИИБ		Самарқанд вилояти ИИБ		Сирдарё вилояти ИИБ		Сурхондарё вилояти ИИБ		Тошкент вилояти ИИБ		Фарғона вилояти ИИБ		Хоразм вилояти ИИБ		Тошкент шаҳар ИИБ		
		20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__	20__		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	
1	ИИО ходимнинг ноўрин харақатлари юзасидан																																	
Шу жумладан	ЙХХХ ходимнинг ноўрин харақатлари юзасидан																																	
	Профилактика инспектори харақатлари юзасидан																																	
	Терговчиларнинг ноўрин харақатлари юзасидан																																	
	МваФР ходимнинг ноўрин харақатлари юзасидан																																	
2	Оила турмуш доирасидаги келишмовчиликлар																																	
3	Терговга қадар текширув, дастлабки тергов ва суриштирув масаласида																																	
4	Судланганлик ҳолатини олиб ташлаш																																	
5	Фуқаролик масаласида																																	
6	Пропискага қўйиш ва ундан чиқиш																																	
7	Чет элга чиқиш ва келиш																																	
8	Моддий зарарни ундириш																																	
9	Қидирув масаласида																																	
10	Транспорт воситасини қайта жиҳозлаш																																	
11	Амнистия ва авф этиш																																	
12	Иш (ўқиш)га кириш,																																	
13	Ишга қайта тиклаш																																	
14	ИИБ тизимидаги тиббий хизматдан фойдаланиш																																	
15	Иш ҳақи, пенсия тайинлаш																																	
16	Ҳуқуқий маслаҳат																																	
17	Таклифлар																																	
18	Бошқа масалаларга оид																																	
19	ИИО фаолиятига тааллуқли бўлмаган																																	
20	Жами																																	

**20__ ва 20__ йилларнинг __ ойида ички ишлар органларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Халқ қабулхоналари орқали келиб тушган мурожаатлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Худуд номи	Жами	Халқ қабулхоналари орқали келиб тушган мурожаатлар						Муддати бузилган
			Қаноатлан-тирилган	Тушунтириш берилган	Тегишлилиги бўйича юборилган	Рад этилган	Кўрмасдан қолдирилган ёки аноним деб топилган	Кўриб чиқилмоқда	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Ўзбекистон Республикаси ИИБ								
2	Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ								
3	Андижон вилояти ИИБ								
4	Бухоро вилояти ИИБ								
5	Жиззах вилояти ИИБ								
6	Қашқадарё вилояти ИИБ								
7	Навоий вилояти ИИБ								
8	Наманган вилояти ИИБ								
9	Самарқанд вилояти ИИБ								
10	Сирдарё вилояти ИИБ								
11	Сурхондарё вилояти ИИБ								
12	Тошкент вилояти ИИБ								
13	Фарғона вилояти ИИБ								
14	Хоразм вилояти ИИБ								
15	Тошкент шаҳар ИИББ								
	Жами:								

**20__ ва 20__ йилларнинг __ ойида ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатларини кўриб чиқишда раҳбар ва масъул ходимлар томонидан камчиликлар ва қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги учун жавобгарликка тортилганлик тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Худуд номи	Жавобгарлик турлари											
		Интизомий жавобгарлик								Маъмурий жавобгарлик		Жиноий жавобгарлик	
		Жарима		Хайфсан		Лавозимдан озод этиш		Ички ишлар органларидан бўшатирилганлар					
20__ й	20__ й	20__ й	20__ й	20__ й	20__ й	20__ й	20__ й	20__ й	20__ й	20__ й	20__ й	20__ й	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1	Ўзбекистон Республикаси ИИБ												
2	Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ												
3	Андижон вилояти ИИБ												
4	Бухоро вилояти ИИБ												
5	Жиззах вилояти ИИБ												
6	Қашқадарё вилояти ИИБ												
7	Навоий вилояти ИИБ												
8	Наманган вилояти ИИБ												
9	Самарқанд вилояти ИИБ												
10	Сирдарё вилояти ИИБ												
11	Сурхондарё вилояти ИИБ												
12	Тошкент вилояти ИИБ												
13	Фарғона вилояти ИИБ												
14	Хоразм вилояти ИИБ												
15	Тошкент шаҳар ИИББ												
	Жами												

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартибини бузганликлари учун
жавобгарликка тортилган ходимлар тўғрисида
МАЪЛУМОТНОМА**

Т/р	Жавобгарликка тортилган ходимнинг лавозими, унвони, Ф.И.О	Йўл қўйилган камчилик ёки қонунбузилиши	Жавобгарлик тури	Жавобгарликка тортилган сана ва ҳужжат (буйруқ) рақами
1				
2				
3				
4				
5				
6				
7				
8				
9				
10				
11				
12				
13				
14				
15				
16				

Фойдаланилган адабиётлар

Раҳбарий адабиётлар:

Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир. — Т.: «Ўзбекистон», 2015. — 304 б.

Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. — 176 б.

Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. — Т.: «Ўзбекистон», 2017. — 488 б.

Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. — Т.: «Ўзбекистон», 2017. — 104 б.

Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. — Т.: «Ўзбекистон» НИТУ, 2017. — 592 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 22 дек.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги (1994 йил 22 сентябрь) қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги (1994 йил 22 сентябрь) қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги (1995 йил 30 август) қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги (1997 йил 24 апрель) қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги (2002 йил 12 декабрь) қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги (2003 йил 11 декабрь) қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон хужжат айланиши тўғрисида»ги (2004 йил 29 апрель) қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида» янги таҳрирдаги (2004 йил 27 август) қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги (2013 йил 22 апрель) қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги (2014 йил 5 май) қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги (2015 йил 9 декабрь) қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 йил 16 сентябрь) қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги (2017 йил 7 сентябрь) қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги (2017 йил 11 сентябрь) қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4904-сонли (2016 йил 28 декабрь) фармони // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли (2017 йил 10 апрель) Фармони // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-5017-сонли (2017 йил 9 август) фармойиши // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 12-сон (1999 йил 12 январь) қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив хужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 140-сонли (1999 йил 29 март) қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 378-сонли (2012 йил 30 декабрь) қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 341-сонли (2018 йил 7 май) қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ««Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 188-сонли (2016 йил 3 июнь) қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлари ҳокимликларининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун талабларини сўзсиз бажариш юзасидан жавобгарлиги тўғрисида»ги 366-сонли (2016 йил 27 октябрь) қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 7-сонли (2018 йил 5 январь) қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ички ишлар органларида электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 64-сонли (2015 йил 19 апрель) буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ички ишлар идораларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 180-сонли (2016 йил 12 ноябрь) буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ички ишлар органларида жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 70-сонли (2017 йил 29 апрель) буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ички ишлар органларида ягона идоралараро ижро интизоми электрон тизимини жорий этиш тўғрисида»ги 178-сонли (2017 йи 21 август) буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 252-сонли (2017 йил 14 ноябрь) буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 4 ноябрда қабул қилган «Ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 36/18/49/56-сонли қўшма қарори.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув жараёнида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги (2014 йил 26 декабрь) қарори.

Махсус адабиётлар:

Асъянов Ш.М. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги қонунига шарҳ = Комментарий к Закону Республики Узбекистан «Об обращениях физических и юридических лиц». Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т., 2015. – Б. 35–38.

Сирлиев Б.Н. Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар муурожаатларини кўриб чиқишдаги муомала маданияти / Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференция материаллари (2015 йил 21 ноябрь). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б.103–104.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.Ш.Н – Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 688 б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-§. «Мурожаатлар» тушунчаси, уларнинг турлари ва шакллари	8
2-§. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга оид фаолиятни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар.....	18
3-§. Ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш фаолиятини тартибга солувчи идоравий норматив ҳужжатлар.....	28
4-§. Ички ишлар органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни ташкил этиш тартиби ва шартлари	33
5-§. Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби, муддатлари, кўрмай қолдириш ва тугатиш асослари	43
6-§. Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари кўриб чиқилишини мониторинг ва назорат қилиш, умумлаштириш ҳамда таҳлилини олиб бориш	58
7-§. Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш	65
ИЛОВАЛАР	92
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	104

Аброржон Анварович ОТАЖОНОВ,
юримдик фанлар доктори, доцент;
Озодбек Абдуқаҳҳорович ЖЎРАБОЕВ,
Сиёвуш Бахтиёрович ХЎЖАҚУЛОВ,
доцент

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА МУРОЖААТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ҚАЙД ЭТИШ, ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

ЎҚУВ УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Муҳаррир Б.Қ. Эргашев
Техник муҳаррир Д.Р. Джалилов

Босишга рухсат этилди 17. 04. 2018 й. Нашриёт ҳисоб табағи 7,0.
Адади 30 нусха. Буюртма № _____ Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68